JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA
UNIVERSITETI

XALQARO MUNOSABATLAR

SIYOSAT, IQTISOD, HUQUQ

ILMIY-NAZARIY JURNAL

ТАЛЬНЫЙ ЗАЛ
ИНВ №

1/2005
(№19)

BOSH MUHARRIR S.SAFOYEV

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

A.A.Abdug'aniyev, B.O.Bahriddinov, R.F.Farmonov, A.A.Fayzullayev (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), I.A.Hamedov, G.A.Hidoyatov, Q.A.Jo'rayev, K.H.Jorayeva, E.R.Mahmudov, A.S.Rasulov, K.Q.Rashidov, L.A.Saidova, M.T.Turdiyev, S.P.Tursunmuhamedov, Q.X.Xonazarov (bosh muharrir o'rinbosari-mas'ul muharrir), B.A.Xo'jayev, T.Y.Shamsharov

TELEFONLAR: 67-07-41; 67-94-07; FAKS: 67-09-00
TAHRIRIYAT MANZILI: 700113, Toshkent, Buyuk Ipak yo'li, 54

Ushbu sonni tayyorlovchilari:

Nashr bo'limi mudiri T.Y.Shamsharov
Muharrirlar: I.N.Kasachyov, S.Matchonov
Original-maket va dizayn: I.A.Semenyuk

JIDU ruxsatisiz qayta chop etish man qilinadi. Ko'chirib bosilganda «Xalqaro munosabatlar» jurnali ko'rsatilishi shart.
Tahririyat fikri muallif fikridan o'zgacha bo'lishi mumkin.
Qo'lyozmalar, suratlar qaytarilmaydi.

Перепечатка без разрешения УМЭД не допускается.
При перепечатке ссылка на журнал «Xalqaro munosabatlar» обязательна.
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов публикуемых статей.
Рукописи, фотографии, рисунки не возвращаются.

Ushbu nashr 068 raqami bilan qayd etilgan

Formati 70x100 1/16. Hajmi 8,4 b.t. Nusxa soni 500. Kelishilgan narxda.
"PATENT PRESS" korxonasida chop etildi. Toshkent, To'y tepa ko'chasi, 2a.

© *Xalqaro munosabatlar, 2005.*

МУНДАРИЖА

BOSH MUHARRIR SAHIFASI

С. Сафоев
ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ 5

SIYOSAT

З.М.Ҳуснидинов
МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДИНИЙ ОМИЛНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ 11

Peter JUZA
THEORY OF POLYARCHY – A NEW CONCEPT OF DEMOCRACY 21

Р.М.Алимов
БЕЗОПАСНОСТЬ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: АФГАНСКИЙ ФАКТОР 27

Н.О.Сафарова
ТЕРРОРЧИЛИК ГЛОБАЛЛАШУВИНИНГ БАЪЗИ САБАБЛАРИ 35

O'. Uskenbayev
MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI VA YEVROPA ITTIFOQI MUNOSABATLARI HAQIDA BA'ZI MULOHAZALAR (O'ZBEKISTON MISOLIDA) 41

B.Ochilov
ANALYSIS OF GEOSTRATEGIC CONCEPTIONS IN RELATION TO CENTRAL ASIA 47

IQTISODIYOT

К.Х. Джураева
СИСТЕМА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ В СТРАНАХ С РАЗВИВАЮЩИМИСЯ ЭКОНОМИКАМИ 56

А.И. Файзиев
ХАЛҚАРО ОЛТИН БОЗОРЛАРИ ВА МАРКАЗЛАРИ 64

HUQUQ

М.М.Биркин
ПРИНЦИПЫ СОСТЯЗАТЕЛЬНОСТИ И ДИСПОЗИТИВНОСТИ В ПРАВЕ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РУ 69

E.A.Kasyanenko
ON THE ISSUE OF LEGAL REGULATION OF FOREIGN INVESTMENTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 78

Н. Мирзаева
ЗАЩИТА ГРАЖДАН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ЗА РУБЕЖОМ 80

MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT

С.М.Адилходжаева
СОВРЕМЕННАЯ ЯПОНИЯ – НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ 83

Г.А.Хидоятов
МАВЗОЛЕЙ ТУРКАН-ХАТУН В ИЕРУСАЛИМЕ 87

Р.С.Самаров
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШУВИНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ 90

G.N. Sultonova
XVI ASR IKKINCHI YARMIDA BUXORO VA QOZOQ XONLIKLARI O'RTASIDAGI SAVDO ALOQALARI TARIXIDAN 97

С. Сафоев,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Ватанимиз тарихида илк бор шаклланган Сенат ва унинг қўмиталари олдида турган вазифаларни белгилашда муҳим дастуриламалдир. Унда мамлакатимизда, минтақада ва халқаро миқёсда содир бўлаётган кўп қиррали катта интеллектуал асосга эга бўлган муҳим мулоҳазалар илгари сурилган. Жамият ривожланишининг умуминсоний қонуниятларига тааллуқли фундаментал фикрлар баён этилган.

Бутун дунёда кескин равишда кечаётган геосиёсий ва геостратегик «тектоник» силжишлар диалектик равишда катта-кичик мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам ташқи ва ички сиёсатига бевосита таъсир ўтказмоқда. Бу эса ташқи сиёсатимиздаги кўпгина ёндашувларимиз, қарашларимиз, кечаётган жараёнларга бераётган баҳоларимизни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Демак, ташқи сиёсатнинг самарадорлигини ошириш, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш чуқур илмий изланишларни талаб қилади. Олий ўқув юртлари ва турли илмий даргоҳлар олимлари томонидан бу мавзуда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Муаммолар ечими юзасидан таклифлар тайёрланмоқда. Долзарб масалалар таҳлил ва тадқиқ этилмоқда. Шу билан бирга, баъзи масалалар моҳиятини англаб етиш бўйича кўп ишлар қилиниши зарур.

Тан олишимиз керакки, илмий ишларнинг амалий характери қониқарсиздир. Ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар билан машғул бўлган муассасалар, олий ўқув юртлари олимлари изланишларига, уларнинг натижаларига негадир қизиқиш сезилмаётир. Бу эса тадқиқотларга берилган баҳодир.

Ташқи сиёсат бу ички сиёсатнинг узвий давомидир. Бу борада тадқиқотлар амалий характерга эга бўлиши учун улар бевосита хориж билангина боғлиқ бўлган мавзулар билан чекланмасдан, жамиятимизда юз бераётган жараёнлар таҳлили ҳам ўз ифодасини топиши зарур. Уларда миллий манфаатлар ҳам ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар янги иқтисодий ва ижтимоий—сиёсий муҳитни вужудга келтирди. Давлат бошқарувида улкан ваколатларга эга бўлган парламентар демократиянинг муҳим институти — **Сенат**

шакллантирилди. Кўппартиявийлик асосида ўтган сайловлар унинг заминини мустаҳкамлади. Иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ўзгариб бормоқда. Пировардида мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги манфаатлари ҳам янгиланмоқда. Бу ўзгаришларнинг турли жиҳатларини, мавжуд тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш ўта муҳим илмий аҳамиятга эга. Ҳуқуқшунос, иқтисодчи ҳамда сиёсатшунос олимлар ўз тадқиқот режаларида буни акс эттиришлари лозим.

Айнан шу соҳадаги мутахассислар ўзбек парламентаризмининг интеллектуал ва эксперт таянчи бўлмоқлари керак. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда Олий Мажлис Сенати ва қонунчилик Палатасида мутахассислар консультатив кенгаши тузилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу тузилмада айнан олий ўқув юртлари, илмий муассасалар ходимлари етакчи ўрин тутишлари тақозо этилади.

Президентимиз таъкидлаган **«асосий устувор вазифа -аввалгидек бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат»** эканлигини иқтисодий мавзуда тадқиқотлар олиб боришаётган олимлар жиддий ўйлаб кўришлари зарур. Бу борада долзарб илмий муаммолар бўйича муассасалараро муштарак тадқиқот гуруҳларини ташкил қилиш вақти келди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти моҳияти ва тажрибаси, банк, молия тузилмалари ва қимматбаҳо қоғозлар бозори, уларнинг хусусийлаштиришдаги роли каби масалаларга эътибор бериш керак. Бунда нафақат иқтисодчилар, балки бошқа соҳа олимларини ҳам жалб қилиш, чет эл манбаларидан кенг кўламда фойдаланиш муҳимдир.

XXI асрнинг дастлабки босқичида глобаллашув жараёнининг янада жадаллашуви кузатилмоқда. У нафақат мислсиз тараққиётни, балки қатор жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Иқтисодий жиҳатдан жуда тараққий этган мамлакатлар ҳамда ривожланаётган давлатлар орасидаги тафовут тобора кенгайиб бормоқда. Ғарб давлатлари жаҳон аҳолисининг атиги 15 фоизига эга бўлиб, жаҳон ресурсларининг 70 фоизини назорат қилмоқдалар. Агар 1960 йилда киши бошига даромад бўйича дунё аҳолисининг энг бой 20 фоизи билан энг камбағал 20 фоизи орасидаги тафовут 30 га 1 нисбатида бўлган бўлса, 2000 йилга келиб бу нисбат 74 га 1 ни ташкил қилди. Мазкур фарқ йилдан йилга тобора ортиб бормоқда. Бу эса халқаро иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги билан бир қаторда глобал беқарорлик хавфини туғдирмоқда.

Ҳозирги даврда учта ёвуз куч жаҳон халқлари тинчлиги ва осойишталигига рахна солмоқда. Булар — халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркобизнесдир. Улар бир—бирига чамбарчас боғланган, бир—биридан куч олувчи ҳамда биргаликда ҳаракат қилувчи хавф—хатар сифатида намоён бўлмоқда.

Шу кунларда «янги терроризм» феномени вужудга келди. Унинг асосий белгиларини интернационаллашув жараёнида, амалиёти кенг кўламлилиги ҳамда турли ҳудудларда бир—бирига ўхшаш усулда қўпорувчилик технологияларининг қўлланилишида кузатиш мумкин.

Вужудга келган шароит терроризмга қарши курашда дипломатик усуллар концепциясини қайта

кўриб чиқишни тақозо этади. Бу эса биздан фаолиятимизни мукаммал таҳлил этган ҳолда давом эттиришимизни талаб этади. Бошқа давлатлар ва минтақаларда терроризмга қарши кураш борасидаги тажрибаларни ўрганиш, жаҳондаги етакчи тадқиқот марказларининг Марказий Осиёга тааллуқли чиқишларини ўз вақтида ўрганиб бориш даркор.

Шу маънода, халқаро ҳамжамиятни, нуфузли илмий доираларни экстремистик оқимларнинг ажал конвейерини яратишга қаратилган фаолияти тўғрисида изчил равишда хабардор этиб бориш ва уларга нисбатан муросасиз бўлишга даъват этмоғимиз лозим.

Хавфсизликни таъминлаш масаласи бутун жаҳонда долзарб муаммо бўлиб қолаётир. Терроризм у ёки бу мамлакат, минтақа, муайян диннинг муаммоси эмас. Аксинча, у — тараққиёт тамойилларига қарши бўлган глобал ёвуз кучдир. «Ўрта Осиё» терроризмининг «Яқин Шарқ» терроризмидан ҳеч қанақа фарқи йўқдир. Ўзбекистон раҳбарияти қайта—қайта таъкидлаганидек, терроризмга қарши кураш фақат уни кўринишларига зарба бериш билан чекланса, у адоғи йўқ уруш бўлади. Бу муаммони оқилона ҳал этиш учун аввало ёшларнинг онгини ёвуз ғоялар билан заҳарлашга қаратилган хатти—ҳаракатларга чек қўйиш лозим. Ёшлар билан бевосита ишлайдиган олий ўқув юртларида бу масалага жиддий эътибор қаратиш зарур.

Халқаро терроризм муаммосини бир мамлакат якка ўзи ҳал қила олмайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарияти Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, ШҲТ доирасида биргаликдаги ҳаракатларимизни янада кўпроқ мувофиқлаштиришга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, кейинчалик бутун МДҲ ҳудудида таъқиқланиши керак бўлган ташкилотлар рўйхатини тузиш таклифи ана шундай ташаббусларнинг биридир.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз учун энг устувор аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақасида ўтган давр мобайнида жиддий геосиёсий ўзгаришлар юз берди.

Қатор йиллар мобайнида тараққиётдан ортда қолган минтақамиз истиқлол шарофати билан бугунги кунда йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари марказидан жой олмоқда.

Минтақамизда юз бераётган кўпгина жараёнларда қудратли, геосиёсий ва геоиқтисодий амбициялари баланд бўлган мамлакатлар иштирок этмоқда. Уларнинг бу ердаги манфаатлари айрим ҳолларда бир—бирига мос келмоқда, гоҳида эса зид ва қарама—қарши экани кўзга ташланмоқда.

Трансмиллий таҳликалар деб номланган бу таҳдидлар — яъни халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес — тобора уюшган тус олмоқда. Бунинг оқибатида минтақада ва унга чегарадош ҳудудларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ибораси билан айтганда, **«стратегик мавҳумлик» - яъни, яқин ва ўрта давр мобайнида воқеалар ривожидаги ноаниқлик сақланиб келмоқда.** Бу эса ўз навбатида минтақавий масалаларга эътибор чуқурроқ бўлишини тақозо этади. Ўзбекистоннинг минтақавий жабҳадаги асосий устувор йўналиши — **Марказий Осиё интеграцияси томон из-**

чил қадам ташлашдир. Шу жумладан, бу борадаги илмий тадқиқотлар ҳам энг долзарб мавзуга айланиши даркор. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё умумий бозорини барпо этишга оид ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Миллий чегаралар туфайли парчалаб ташланмаган бозоргина хорижий сармояларни жалб этишга, минтақа мамлакатларининг изчил тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашга қодир бўлади.

Бу ғоя иқтисодий масалалар билан чекланиб қолмайди. Ўз моҳиятига кўра интеграл дастур ҳажми катта ягона бозор тузиш билан биргаликда у минтақанинг транспорт, сув, экологик ва бошқа муаммоларини ечишга, хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни сифат нуқтаи назаридан янги поғонага кўтаришга имкон яратади. Унинг пойдеворида пухта ишланган ҳуқуқий асос бўлмоғи ва барпо этиш жараёнида бошқа минтақавий тузилмалар ва биринчи навбатда Европа Иттифоқи тажрибаси ўрганиб чиқилмоғи даркор. Демак, бу йўналишдаги илмий тадқиқотлар ҳам нафақат ҳалқаро иқтисодий алоқалар соҳасидаги мутахассислар томонидан, балки ҳуқуқ ва сиёсатшунослар томонидан олиб борилаётган изланишларни талаб қилади. Минтақавий илмий изланишларни жадаллаштириш учун тегишли тузилмалар, жумладан Европа тадқиқотлар марказини, таъсис этиш ҳақидаги қарорни бажариш муҳимдир.

Миллий дипломатиямизнинг ўзига хос жиҳати — сиёсий конъюнктура эмас, балки яқин ва узоқ истиқболдаги устувор йўналишларни кўзлаб иш юритишдир. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида *реактив*, яъни ҳодиса содир бўлгандан кейин муаммога жавоб излашдан воз кечиб, вужудга келаётган таҳдидларга нисбатан *проактив* ҳаракатлар олиб бориш имконини беради. Олдини олиш стратегиясини қўллаш, ташаббус кўрсатиш ва истиқболга қаратилган етакчи вазифаларни қўя билиш муҳим аҳамиятга эга.

Дипломатик мақсадларга эришишнинг энг мақбул йўли **ташқи сиёсий ташаббусни қўлга олишдир.** Ташаббус кимда бўлса, унинг халқаро ҳаётда ҳам қўли баланд бўлади. У фақатгина юзага келаётган таҳдидларга жавоб бериш билан чекланмасдан, ўз сиёсатини онгли равишда, фаол ўтказа олади. Ва, аксинча, ташаббус қўлдан кетса, ўзгалар сиёсатига эргашишдан, воқеаларнинг оддийгина кузатувчиси бўлиб қолишдан бошқа чора қолмайди.

Мамлакатимиз ташки сиёсатини ташаббускорона олиб боришни давом эттириш учун барча керакли объектив ва субъектив шароитлар мавжуд. Асосий омил бу Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан олиб борилаётган фаол сиёсат, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва интуицияси, халқаро ҳамжамият олдидаги сўзсиз обрўсидир. Бунинг ҳосиласи сифатида мамлакатимизнинг жаҳондаги ҳеч бир мамлакатга тобе эмаслиги, чинакам равишда мустақиллиги таъминланганидир. Бошқа бир мамлакатга қарам бўлиб, ўзгалар қош—қовоғига қарайдиган давлат ўз манфаатидан келиб чиқиб сиёсий ташаббус кўрсата олмайди. Бу икки омил ташқи сиёсий ҳаракат учун бой имконият яратади.

Ташаббусни илгари суриш ва амалга ошириш, ўз навбатида, фундаментал фан ва дипломатиянинг синтезини таъминлашни тақозо

этади. Жиддий амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларга асос солишимиз ва уларни ҳаётта татбиқи ҳақида ўйлашимиз керак. Бу борада қилиниши мумкин бўлган айрим ишларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

· Аввало, айрим мамлакат ва минтақалар, халқаро муаммолар ҳамда икки ва кўп томонлама муносабатлар табиатини ўрганишга қаратилган марказ ва кафедралар тузиш лозим. Илмий фикр жўшқин урадиган, эркин музокаралар анжумани, илмий мактаблар шаклланиши пойдевори бўлган «изланиш марказлари» фаолиятини ташкил қилиш керак.

· Минтақавий аҳволни тушуниш ҳамда ўз ташқи сиёсий қарашларимизни илгари суришда ҳанузгача махсус журналлар ва оммавий ахборот воситалари ресурсларидан етарли даражада фойдаланмаяпмиз. Шу маънода, ЖИДУ нинг «Халқаро муносабатлар» журнали концепциясини қайта кўриб чиқиш лозим.

Президентимиз ўз маърузасида қўйган вазифаларни бажариш, ташқи сиёсатни амалга ошириш жараёнини сифат нуқтаи назаридан янги поғонага кўтариш ва ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини ривожлантиришда бу соҳаларда ишлайдиган мутахассисларнинг малакаси ҳал қилувчи омилдир. Замонавий сиёсий ва иқтисодий билимлар, халқаро соҳадаги тамойиллар, жаҳон иқтисодиётидаги аҳвол тўғрисида мукаммал ахборотни бериш, ёки қисқача қилиб айтганда, амалдаги дипломатлар ва ташқи алоқалар билан машғул бўлган мутахассисларнинг мунтазам равишда малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, мамлакатимизда Олий дипломатик мактаб таъсис этиш ва Ташқи савдо институтини ташкил қилиш масаласини ишлаб чиқиш лозим.

Ташқи сиёсатимиз стратегиясида **конструктив прагматизм** тушунчасини англаб олиш керак. Фаолиятимиздаги прагматизм — бу ташқи сиёсат ва дипломатия воситалари, ёндашув ва услублари орқали мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш учун қулай ташқи сиёсий муҳитни таъминлашдир.

Республикамиз ташқи сиёсатида ҳеч қачон бирор қудратли кучлардан бирига суяниб иш тутиш кузатилмаган. Шу билан бирга, қандайдир ёпиқ блокларга кириш сиёсати ҳам олиб борилмаган.

Ташқи сиёсатимиз қисқа муддатли манфаатларни кўзловчи итгифоқларни тузиш орқали эмас, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашда умумий қарашларга эга бўлган давлатлар билан узоқ муддатли стратегик ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш йўналишида ривожланмоқда.

Марказий Осиё халқаро рақобат макони эмас, балки кенг кўламли халқаро ҳамкорлик ҳудуди бўлмоғи лозим. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд ва бизнинг конструктив прагматизм тушунчасини талқин этишимиз шунга асосланади.

Биз билган умумий диний ва маданий қадриятларга эга бўлган **Араб-мусулмон дунёси билан** Ўзбекистон ўртасида кенг кўламли муносабатларни ривожлантириш муҳимдир. Жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган бу мамлакатлар мажмуаси 60 га яқин давлатларни қамраб олади ва Ер куррасидаги мамлакатларнинг учдан бир қисмини бирлаштиради. Сиёсий жиҳатига эътибор

берадиган бўлсак, Араб — мусулмон дунёсига мансуб мамлакатлар орасида БМТ, ОПЕК, АСЕАН ва бошқа қатор халқаро ташкилотларда муҳим роль ўйнайдиган давлатлар ҳам бор.

Иқтисодий жиҳатдан қараганда улкан ёқилғи—энергетика захиралари айнан мусулмон дунёсига мансуб мамлакатларда жойлашганлиги барчамизга аён. Ушбу гуруҳга кирувчи қатор молиявий бақувват давлатлар ривожланаётган мамлакатлар учун донор вазифасини ўтайди. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик молиявий ташкилотларда араб мусулмон дунёси муҳим, гоҳида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай экан, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда иқтисодиётнинг турли жабҳаларига хорижий сармояларни жалб этишда Араб—мусулмон дунёсидаги молиявий жиҳатдан қудратли мамлакатлар имкониятларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Мазкур устувор ташқи сиёсий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатлар устида ишлаётган тадқиқотчилар яқин ва узоқ келажакка қаратилган қуйидаги долзарб мавзуларга алоҳида эътибор бермоқлари лозим:

Марказий Осиё йўналишида дипломатик фаолиятни кучайтириш; давлатлараро ҳамкорлик ва умумий минтақавий сиёсатни шакллантириш учун қулай муҳит яратиш омиллари;

узоқ муддатли манфаатларимизга мос бўлган глобал иштирокчилар билан алоқаларни оптималлаштириш; Марказий Осиёда можароларнинг олдини олиш ва барқарорликни таъминлаш йўлида йирик давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги салоҳиятидан унумли фойдаланиш имкониятлари;

жаҳоннинг стратегик муҳим (ОТМ, Жанубий Осиё, Араб—мусулмон дунёси, Шарқий Европа каби) минтақаларидаги шериклар билан самарали ҳамкорлик қилиш учун ўз жойимизни излаш;

халқаро ташкилотлар доирасида миллий стратегияни ишлаб чиқиш, кўп томонлама дипломатия воситаларини фаоллаштириш (бу БМТдаги ислоҳотлар, ЕХҲТ фаолиятининг қайта кўриб чиқилиши, шаклланаётган жаҳон тартиботининг хусусиятлари ва ҳ.к.);

ноҳукумат ташкилотлар, трансмиллий компаниялар ва бошқа структуралар каби глобал ноҳукумат иштирокчилар билан муносабатларнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш; Ўзбекистон миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда трансмиллий омиллардан конструктив фойдаланиш.

Президент маърузасида илгари сурилган яна бир муҳим ғоя — тобора мураккаблашиб бораётган замонавий дунёда ўзгаришларга тез мослаша оладиган давлатларгина муваффақият қозонишга қодирдирлар ва умумжаҳон сиёсий ва иқтисодий қонуниятлари асосида ривожланаётган жамиятларгина сезиларли ютуқларга эришадилар.

Энг самарали амалиёт — бу пухта ишланган назариядир. Амалий дипломатия, ташқи иқтисодий сиёсат, халқаро фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва фундаментал сиёсий фаннинг синтезини таъминлаш — ушбу соҳалардаги Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоялашнинг асосий гаровидир.

З.М.Ҳуснидинов
ф.ф.н., доцент

МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДИНИЙ ОМИЛНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

XXI асрнинг дастлабки йиллари инсоният учун ижтимоий-иқтисодий, илм-фанда эришилган муваффақиятлар даври бўлиши билан бирга башарият ҳаёти, хавфсизлигига турли кўриниш ва мазмундаги таҳдидларнинг кучайиб бориши билан ҳам тарихга кирмоқда.

Бу- геосиёсий ва жиноий мақсадларга хизмат қилаётган диний экстремизм, халқаро терроризм, сепаратизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, диндан сиёсий ғаразлар йўлида фойдаланиш каби иллатлардир. Маълумотларга кўра, 2003 йилда дунёда амалга оширилган 3213 та қўпорувчиликда 7500 дан зиёд инсон ҳалок бўлган. Уларнинг тахминан 1500 таси (46,7%) Осиёда, 800 таси (24,9%) Яқин Шарқда, 300 таси (9,3%) МДҲ ва Шарқий Европа давлатларида, 250 таси (7,8%) Шимолий, Марказий ва Жанубий Америкада ҳамда 200 таси (6,2%) Африка ва Ғарбий Европада амалга оширилган[1].

Мутахассислар фикрича, дунё бўйлаб умуман содир этилган террорчилик ҳодисаларининг 80 фоизини муқаддас ислом дини номидан ҳаракат қилувчи жангарилар амалга оширмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, экстремистларнинг қўпорувчилик ва фитнадан иборат фаолиятидан биринчи навбатда ислом дини ва мусулмон дунёси катта зарар кўрмоқда.

Шу ўринда, Қуръони каримда нафақат мусулмонлар ўзаро, балки бошқа дин вакиллари билан ҳам тинч-тотувликда, адолатли муносабатлар ўрнатган ҳолда яшашга чақиришини таъкидлаш жоиздир: “Динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта Аллоҳ адолатлиларни севар” (“Мумтаҳана”,8).

Қуръони каримда урушга, тинч аҳоли қонининг тўкилишига сабаб бўлувчи фитнанинг нақадар катта гуноҳ экани алоҳида таъкидланади: “Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир” (“Бақара”, 191), яъни одам ўлдиргандан ҳам ёмонроқдир дейилади. Чунки қотил бир инсонни ўлдирса, фит-

[1] РИА “Новости”, www.newsru.com, 29.04.2004

начилар тарқатган бузғунчи ғоялар, нотўғри таълимотлар оқибатида дунёдаги мамлакатлар, халқлар, турли дин вакиллари орасидаги узоқ ва машаққатли меҳнатлар натижасида эришилган тинчлик, дўстлик алоқалари издан чиқиши, бегуноҳ одамларнинг қони тўкилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ғарбдаги қатор сиёсатдонларнинг мавжуд умумбашарий муаммоларни фақат диний омиллар билан боғлаши, оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг ушбу ғояларни масаланинг моҳиятига етмай юзаки ва бирёқлама ёритиши вазиятни янада кескинлаштирмоқда. 2001 йил сентябрь воқеаларидан сўнг эса, баъзилар, ҳатто, халқаро терроризмни "цивилизациялар ва динлар тўқнашуви", яъни, Шимол-Жануб, бойлар-камбағаллар, христианлар-мусулмонлар қарама-қаршилигининг маҳсули, деб эътироф қила бошладилар.

Бундай чиқишлар "исломофобия" ("исломга ғайирлик") кайфиятлари шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мутаассиб гуруҳларга қўл келиб, уларнинг гўё "жавоб" тариқасида ўта радикаллашуви ва, демакки, ёвузликнинг янги босқичи бошланишига замин яратмоқда.

Қайд этилган муаммолар Евросиё қитъасининг муҳим геосиёсий маконларидан бири бўлган Марказий Осиёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам маълум даражада ўз аксини топмоқда.

Минтақамиз Европа ва Осиёни боғловчи "кўприк" сифатида муҳим геостратегик аҳамиятга ва йирик табиий углеводород заҳираларига эга. Қозоғистоннинг нефт заҳираси 12,5 млрд. тонна, Туркманистоннинг газ заҳираси 4,4 трлн. куб метрни ташкил этади. Ўзбекистон эса йирик нефт ва газ конларига эга бўлиш билан бирга, жаҳонда олтин заҳираси бўйича тўртинчи ва уран ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринда туради[1].

Айни чоғда, Марказий Осиё турли эътиқодлар мавжуд бўлган чорраҳада жойлашган бўлиб, асрлар оша ушбу диёрда христиан, ислом, яҳудийлик, буддавийлик динларига мансуб аҳоли ўзаро муросада, диний бағрикенглик устувор бўлган муносабатларда истиқомат қилиб келмоқда.

Бироқ, минтақада ўз таъсирини ўтказишга интилаётган доиралар томонидан диний омилдан фойдаланишга уринишлар, исломни сиёсийлаштираётган кучлардан ҳимоя қилиш ва бузғунчи миссионерларнинг "диний экспансия"сидан асраш масалалари тобора долзарб тус олмоқда.

Шу ўринда Марказий Осиёда фаолият кўрсатаётган мутаассиб гуруҳларнинг амалиётида бир қатор янги жиҳатлар пайдо бўлаётганини таъкидлаш зарур.

Биринчидан, уларнинг фаолияти тобора радикаллашиб, террорчилик хуружларида ўз-ўзини портлатиш, кўпроқ ёшлар ва аёллардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. 2004 йили 28 март-1 апрель кунлари Тошкент ва Бухорода, 30 июль куни Тошкентда рўй берган воқеалар бунга мисол бўлади.

Иккинчидан, ақидапарастлар

[1] Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность.-Т.: Шарқ, 2002.-Б.16

фаолияти борган сари кенгроқ географик ҳудудни қамраб олмоқда. 1990-йилларнинг бошларида Тожикистон ҳудуди диний экстремистик гуруҳларнинг минтақадаги "плацдарми" бўлган бўлса, ҳозир ушбу гуруҳларнинг Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам сезиларли фаолияти кузатилмоқда. Қирғизистоннинг Ички ишлар бошқармаси томонидан биргина Ўш вилоятида 554 нафар "Ҳизбут таҳрир"чи ҳисобга олингани, 2004 йилнинг ноябрида эса Қозоғистонда Ўзбекистон ислом ҳаракати (ЎИҲ) ташкилотига мансуб "жиҳодчи"ларнинг катта гуруҳининг жиноий фаолияти фош этилиши фикримиз далилидир[1].

Учинчидан, минтақада фаолият юритаётган диний-экстремистик ташкилотларнинг шиорлари, қўпорувчилик учун нишон танлаш ва амалга ошириш вақти ва услублари уларнинг халқаро терроризм тизимига қўшилиб кетганидан далолат бермоқда. Хусусан, март-апрел ойларида Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари Туркия, Испания каби давлатларда рўй берган қўпорувчиликлар билан кетмакет амалга оширилди. 30 июлдаги портлатишлар ижрочилари ЎИҲ гуруҳи раҳбарлари "ал-Қоида" ташкилотига хос мақсадлар (яъни, портлатишларни Афғонистон ва Ироқдаги воқеалар билан урғулаган ҳолда АҚШ ва Исроил элчихоналарини нишонга олиш) билан боғлаши ҳамда террорчилик амалиётида Яқин Шарққа хос бўлган камикадзе усулларининг қўлланиши фикримиз тасдиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз жонига ва ўзга бегуноҳ кишилар ҳаётига қасд қилиб, шаҳидлик даъвосини қилаётган бундай кишиларнинг иддаоси муқаддас ислом динига мутлақо зиддир. Қуръони каримда таъкидланганидек:

...ўзларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмшафқатлидир ("Нисо", 29).

Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради ("Бақара", 195).

Афсуски, минтақада шаклланаётган вазият қўшни давлатларда диний экстремистик ташкилотларга қарши кураш бугунги воқелик қўяётган талабларга ҳамоҳанг эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, диний маълумотга эга имомлар етишмай турган вақтда масжидлар сонининг асоссиз ўсиб бориши ушбу даргоҳларни ақидапарастлар учун ўзига хос марказга айлантирмоқда.[2]

[1] Е.Кононович. КНБ Казахстана разгромил «Жамаат моджахедов Центральной Азии» (подробности)- Казахстанская правда, №257-258, 12.11.2004.; "На учете СНБ только в Ошской области Киргизии состоят 554 «хизбут-тахрировца», 20.11.2004, http://www.CentrAsia.Ru/newsA.php4?st=1100924580

[2] Н.Закирова. В Таджикистане начались гонения на имамов, http://www.iwpr.net/index.pl?archive 200209_147_1_rus.txt.;
В.Джуматаева. Проблемы исламизации в Кыргызстане – Журнал "Навигатор", 01.10.2001; З.Галиева. Поликонфессиональный Кыргызстан: новые тенденции и проблемы - http://polysphere.freenet.kg/no2/J102.htm.;
Р.Подопригора. Религиозные объединения в Казахстане: проблемы и перспективы; В.Пономарев, С.Джукеева. Религиозный фактор в политической жизни Казахстана (1991-1996 гг.).

Талаб даражасидаги диний билим юртларининг йўқлиги туфайли аксарият ёшлар мутаассиб қарашлар устувор бўлган давлатларга ўқишга юборилиб, ушбу мамлакатлардан миссионерлар келишига йўл очиб берилган. Оқибатда, "таълим ва тарбия" олган шахслар анъанавий ислом йўналишидаги имом-хатибларни масжидлардан сиқиб чиқаришга уринмоқдалар.

Вазиятга сиёсатдаги ноизчиллик ҳамда диндан шахсий мақсадларда фойдаланишга уриниш ҳам салбий таъсир қилмоқда.

Айни чоғда, Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришгандан сўнг, уларнинг ҳудуди кўпгина христиан йўналишлари учун ўзига хос "очилмаган қўриқ"қа айланди.

Миссионер ташкилотлар, асосан аралаш миллат вакилларидан иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка учраган, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлган инсонларга турли шаклда ёрдам кўрсатиш орқали уларни ўз динларига оғдириб олишга уринмоқдалар.

Қолаверса улар маҳаллий тилларда чоп қилинган, христианликни тарғиб қилувчи адабиёт, аудио-видеокассеталарни бепул тақдим этиш, спорт мусобақалари уюштириб, қатнашчиларга махсус буклетлар тарқатиш ва совғалар бериш, тиббий, таълим-тарбия соҳасидаги мутахассислар юбориш орқали ҳам фаолият олиб бормоқдалар.

Қўшни республикаларнинг диний фаолиятни тартибга солувчи қонунларида миссионерликка имконият очиб берилгани ноанъанавий диний конфессиялар, оқимлар тарғиботчилари учун "озуқа муҳити"га ҳуқуқий замин яратган.[1]

Айниқса, миссионерлар ёшларни ўз динларига оғдиришга, хусусан, болалар ва талабалар учун дам олиш масканлари ташкил қилиб, уларга диний ишлов беришга урғу қилаётганликлади жиддий эътиборга моликдир.[2]

Таъкидлаш жоизки, охирги йилларда миссионерларнинг фаолияти туб миллат вакиллари оилаларида келишмовчиликлар, мусулмон ва прозелитлар орасида ўзаро низолар келиб чиқишига сабаб бўлди[3].

Ўзбекистон ислом маданиятининг нафақат минтақадаги, балки дунёдаги асосий марказларидан бири бўлиши билан бир қаторда, унинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашдаги мавқеи эътимодли экани хорижий

[1] А.Сухов. Принципы становления "религий за деньги"- Fergana.Org 08.11.2004. http://oshmedia.kg/archives/analitics/religia;

Э.Сатымбеков. "Духовная наркомания"- Центральноазиатский Толстый Журнал. http://www.ctaj.elcat.kg/tolstyi/e/e018.shtml;

В.Демидов. "Бога каждый выбирает сам"- Аргументы и Факты Казахстан, 15.11.2004, http://www.aif.kz/article.php?article_id=2768; А.Мухашов Религиозная палитра современного Казахстана (обзор конфессий)- ЦентрАзия, http://www.centrasia.ru/newsA.php4?st=1057092900;

Ш.Акобирова. "Пророки о отечество"- http://www.izvestia.kz/html/news/05-08-04/news7.ph

[2] Subscribe.Ru, http://subscribe.ru/archive/religion.victory7/2001

[3] Д.Сооданбек. "Осторожно: Религиозный разлад"- "Республика", 26.11.02, № 32.

таҳлилчилар томонидан эътироф этилмоқда. Минтақада юзага келган бугунги вазият ҳам мамлакатимизнинг шундай салоҳиятини намоён қилишни талаб этмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан мутаассиб ғояларни байроқ қилиб олган диний экстремистик гуруҳларга қарши халқаро даражада ва мамлакат ичида қатор зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Афғонистондаги аксилтеррорчи халқаро коалицияни қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, Ғарбдаги сиёсатни белгилаб берувчи доираларни мутаассиб ташкилотлар туғдираётган таҳдид ҳақида огоҳ этиш орқали минтақада фаолият юритаётган жангари гуруҳларга баҳо беришда "бирёқламалик"дан, яъни, баъзи "инсон ҳуқуқи ҳимоячилари"нинг террорчиларни "эътиқод қурбонлари" сифатида кўришдан воз кечишга эришилмоқда.

Бундан ташқари, республика раҳбарияти Марказий Осиёдаги барқарорликни мустаҳкамлашда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон экстремизм, терроризм ва сепаратизм билан курашни асосий мақсад қилиб қўйган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)нинг фаол аъзосидир. Президентимиз И.А.Каримов ушбу ташкилот салоҳиятини баҳолаб, "Биз ШҲТни тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, биринчи галда, халқаро терроризм, диний экстремизм, босқинчи айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-хатарга қарши туришда очиқ, ўзаро фойдали шериклик ва кўп томонлама ҳамкорлик механизми, деб биламиз"[1], - деган эдилар. Чунончи, ШҲТнинг 2004 йили Тошкентда очилган Минтақавий аксилтеррор маркази Марказий Осиёда хавфсизликни таъминловчи муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти (МОҲТ) имкониятидан ҳам диний экстремизмга қарши курашда фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Ташкилотнинг 2004 йили Душанбеда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида давлатимиз раҳбарининг МОҲТ давлатлари ҳудудида фаолият юритаётган террорчи гуруҳларнинг ягона рўйхатини тузиш ва уларга қарши кўрилаётган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ҳақидаги таклифи бир овоздан қабул қилинди ва амалга оширила бошланди.

Мамлакатимизда ақидапарастлик ғояларининг илдиз отиши ва "диний экспансия"га барҳам бериш юзасидан, биринчидан, фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш билан бирга, уни алдамчи усуллар билан поймол қилишга қаратилган уринишларга қарши қонуний тўсиқлар яратилганини таъкидлаш керак. Конституциямизда: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик

[1] Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т.: Ўзбекистон, 2001. 9-том. –Б. 375

ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"[1], -деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда эса "Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади" мазмунидаги модда мавжуд[2].

Иккинчидан, аҳолига диний-маърифий ғояларни етказиш тизими такомиллаштирилмоқда. 2004 йили диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди, улар ҳамда турли ташкилотлар мутасаддилари учун Тошкент ислом университетида малака ошириш курслари ташкил этилди (1-иловага қаранг). Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўналишида эса ЎМИ таълим тизими (2-иловага қаранг) билан биргаликда узлуксиз таълим тизимига динлар тарихи ҳақида холис маълумот берувчи фанларни киритиш бўйича босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда.

Учинчидан, турли дин вакиллари учун диний амалларни бажаришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Мамлакатимизда 2186 диний ташкилотнинг (3-иловага қаранг) эркин фаолият юритиши, ҳайит, рождество байрамларининг кенг кўламда нишонланиши, ҳар йили 4 мингдан зиёд кишининг ҳаж амалларини бажариши, юзлаб христианларнинг хориждаги муқаддас жойларни зиёрат қилишларига шароит яратилгани фикримиз тасдиғидир.

Бироқ, маълум "ҳомий"лар кўмагида диний экстремистик ташкилот ва оқимлар етакчилари ғаразли мақсадлари йўлида минтақадаги барқарорликка путур етказишга уринишларини давом эттирмоқдалар.

Шундай вазиятда жойларда диний омил билан боғлиқ таҳдидларга жиддий баҳо бермаслик оқибатида амалга оширилаётган тадбирлар маълум даражада ўз таъсирчанлигини йўқотмоқда.

Жумладан, ботил ғояларни фош этувчи ташвиқот ва тушунтириш ишларида маҳаллий ОАВ салоҳиятидан тўла фойдаланилмаяпти. Хусусан, ўтказилган мониторинг натижалари туман матбуотида диний экстремизм муаммолари марказий нашрларга нисбатан 4 баробар кам ёритилиши, конфессияларо муносабатларга бағишланган мақолалар эса умуман чоп этилмаётганини кўрсатди[3].

Маҳаллий ҳокимиятларнинг миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ муаммолар соҳасида Дин ишлари бўйича қўмита

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон., 2003.-Б. 8.

[2] Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.: "Адолат" 1998. 19-сон. -Б. 225-226.

[3] "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг "Ўзбекистон матбуотида диний масалаларнинг ёритилиши" мавзуидаги (2004 йил апрель-июнь ойлари учун) мониторинги натижалари бўйича маълумотнома.

(ДИҚ) билан ахборот алмашуви ҳозирги кун талаби даражасида эмас.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Президентимиз И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги тадбирларга эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда:

1. Маҳаллий ОАВда диний экстремизм, терроризм, миссионерлик замирида ётувчи ғаразли мақсадларни фош этувчи ва турли динлар тўғрисида холис маълумот берувчи чиқишларни тизимли ташкил этиш.

2. Диний вазиятнинг доимий мониторинги ва таҳлили тизимли ҳамда тадрижий олиб борилишини ташкил этиш, бу соҳада ДИҚ билан амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

3. Ҳокимият, корхона, ташкилотлар ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жойлардаги вакиллари биргаликда хайрия фаолиятини кучайтириш орқали экстремист ва миссионерлар учун "фаолият майдони"ни торайтириш ва йўққа чиқариш.

4. Аҳолининг турли миллат ва динга мансуб табақалари, хусусан, ёшлар орасида ҳуқуқни мухофаза қилиш идоралари ходимлари, уламо ва эл орасида обрўга эга шахслар иштирокида диний бағрикенглик руҳидаги мулоқотлар, давра суҳбатлари, баҳс ва мунозаралар ташкил қилиш.

5. Маҳкум этилганлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда афв туфайли эркинликка чиққан фуқароларнинг жамиятдан ажралиб қолмаслигига эътибор қаратиш, мазкур масалада диншунос-исломшунос, психолог олимлар, имом-хатиблар, маҳалла оқсоқоллари ва маҳалла йиғинларининг диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари иштирокида самарали тадбирлар ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, "Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиёдаги бошқа республикаларнинг ҳозирги жўғрофий-сиёсий тизимлардаги роли жуда сезиларли ва каттадир. Шу туфайли бу республикаларда юз бераётган ҳодисалар жаҳондаги энг йирик давлатлар, турли жўғрофий-сиёсий тузилмаларнинг манфаатларига бевосита дахлдордир"[1]. Минтақада том маънода марказий ўрин эгаллаган юртимизни турли таҳдидлар, шу жумладан, диний шиорларни ниқоб қилиб олган кимсалардан ҳимоя қилиш, асл динга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш, фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарни ривожлантириш долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

[1] Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 228

1 - Илова.

Тошкент ислом университетида 2000-2004 йилларда диний-маърифий йўналишда малака оширганлар сони



■ Давлат идора ва муассасалари, жамоат ташкилотлари вакиллари- 2973 киши (шу жумладан, диний-маърифат ва маънавий- ахлоқий тарбия масалалади бўйича маслаҳатчилар- 1058 киши).

▒ Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги диний ташкилотлар вакиллари- 2486 киши.

□ Олий ва ўрта таълим муассасалари вакиллари, "Диншунослик" фанини ўқитиш бўйича тажриба-синов майдонлари тарбиячи ва ўқитувчилари- 1033 киши.

Жами: 6492 киши.

2-илова

Ўзбекистон мусулмонлари идораси диний таълим муассасалари ҳақида

М А Ъ Л У М О Т

(1.02.2005 й.)

№	Билим юртининг номи	Манзили, телефони	Ташкил топган йили	Рўйхатга олинган вақти	Лицензия берилган вақти	Талаба-лар сони	Ўқитув-чилар сони	Малака даражаси
1.	Имом ал-Бухорий номли Тошкент ислом институти	Тошкент ш. Зарқайнар, 18-берк кўча, 47, тел: 40-05-87	1971	10.08.98 N 1	01.09.98 N 1	122	46	бакалавр
2.	"Хадичаи Кубро" аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти	Тошкент ш. Олимпия даҳаси, тел: 29-41-32	1994	10.08.98 N 3	01.10.98 N 3	93	27	ўрта махсус
3.	"Кўкалдош" ўрта махсус ислом билим юрти	Тошкент ш., А.Навоий кўча, 46, тел: 49-30-90, 42-75-28;	1991	18.06.99 N 17	10.10.1999 № 12	148	27	ўрта махсус
4.	"Мир Араб" ислом ўрта махсус билим юрти	Бухоро ш, Ф.Хўжаев т. Хўжанурободи, 16, тел: 24-21-76	1946	10.08.98 N 4	01.10.98 N 4	67	23	ўрта махсус
5.	"Жуйбори Калон" аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти	Бухоро ш. Хавзи Нав, 92 тел: 23-88-44. 224-08-65	1992	10.08.98 N 6	01.10.98 N 5	48	17	ўрта махсус
6.	"Мулла Қирғиз" ислом ўрта махсус ислом билим юрти	Наманган ш. Уйчи, 359 тел: 26-89-30	1991	10.08.98 N 2	01.10.98 N 2	68	23	ўрта махсус
7.	"Саййид Мухйиддин Махдум" ўрта махсус ислом билим юрти	Андижон в-ти, Олтинкўл т. Жалабек, 7, тел: 24-68-70.	1992	06.11.98 N 14	22.01.98 N 07	100	28	ўрта махсус
8.	"Имом ал-Бухорий" ўрта махсус ислом билим юрти	Самарканд в-ти, Челак тум., Хожа Исмоил к. тел: 31-14-68.	1991	22.10.98 N 12	22.01.99 N 10	68	29	ўрта махсус
9.	"Хожа Бухорий" ўрта махсус ислом билим юрти	Қашқадарё в-ти, Китоб ш. Заргарлик, 4, тел: 2-34-25,	1992	6.11.98 N 13	22.01.99 N 08	128	29	ўрта махсус
10.	"Фахриддин Ар-Розий" ўрта махсус ислом билим юрти	Урганч ш. Й.Бобожонов к. 43 "а", тел: 26-07-50	1991	12.08.98 N 07	01.10.98 N 06	35	16	ўрта махсус
11.	"Муҳаммад ибн Амад ал-Беруний" ўрта махсус ислом билим юрти	Нукус ш. Гузар тел: 24-16-31	1992	11.010.98 N 11	22.01.99 N 09	39	12	ўрта махсус
					ЖАМИ	916	277	

3-илова

Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниши ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА
(1.02.2005 й.)

NN	ДИНИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ	ЖАМИ	Марказлар	Диний ташкилотлар	Ўқув юртлари	Монастирлар	Манзили
1.	Ислом	2000	2	1987	11		Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон, барча вилоятлар
2.	Рус Православ черкови	36	1	31	1	3	Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси
3.	Рим-католик черкови	5	1	4			Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари
4.	Евангель христиан-баптистлар черкови	23	1	22			Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари
5.	Тўлиқ Инжил христианлар черкови	22	1	20	1		Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон, Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари
6.	Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови	11		11			Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари
7.	Евангель-лютеранлар черкови	4		4			Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари
8.	Новоапостоль черкови	4		4			Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари
9.	"Иегов гувоҳлари" черкови	2		2			Тошкент, Фарғона вилоятлари
10.	Арман Апостоллик черкови	1		1			Самарқанд вилояти
11.	"Голос Божий" христиан черкови	1		1			Навоий вилояти
12.	Корейс протестант черковлари	60		60			Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари
13.	Яҳудийлар диний жамоалари	8		8			Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари
14.	Баҳоий диний жамоалари	6		6			Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари
15.	Кришнани англаш жамияти	1		1			Тошкент шаҳри
16.	Будда ибодатхонаси	1		1			Тошкент вилояти
17.	Библия китоб жамияти	1	1				Тошкент шаҳри
	Ўзбекистон бўйича	**2186**	**7**	**2163**	**13**	**3**	

DISCUSSIONS

Peter JUZA
Ph.D in Political Science, Docent, Slovak Republic

Theory of Polyarchy – A New Concept of Democracy

The tradition of a pluralistic approach to the functions of democracy was developed by K. Deutsch, and in particular by Robert Dahl, who recognised the possibility of workers' participation in the management of corporations. On the other hand, Robert Dahl, unsatisfied with the American and the European democratic traditions, democracy, developed a new concept of democracy and society – the ***polyarchy***. The basis of his reflections is the logic of the necessity for a government's permanent response to the needs of the citizens.

A political theory is ready to consider a political system as a democratic one if the system shows a series of minimum formal democratic signs. It is important to find a consent in what a series of minimum formal democratic signs means. The basis for the consent lies in Schumpeter's work *„Capitalism, Socialism and Democracy"*.

Dahl corrected Schumpeter's concept by *polyarchy*, which better reflects the fundaments of the present pluralistic democracy and delineates the minimum necessary criteria for a *political democracy*.[1]

The present political theory sees the methodologically correct instrument of dividing the authoritarian and the democratic systems mainly in the formal procedural aspects of the social construction functioning.

In a discussion about democracy, it is not possible to attain to the difference between the descriptive *„it is"* and the prescriptive *„it must be"*. I will therefore focus on the question how to define *(a practical, actual, daily)* democracy and how to analyse it as a terminological confusion.[2]

From the etymological point of view, democracy is the rule of the people, although Aristotle already knew that the *number of the governing only does not define the positivity of the form of government.*[3] To attain to this, also a mass psychosis or a mass hysteria turned against the freedom of an individual or of a minority would be a democracy. The famous theoretician of democracy G. Sartori stated: *„It is essential that the word democracy does not describe adequately the matter of democracy".*[4] G. Sartori further states that it is not possible to avoid the work – term *democracy*, neither to change it, nor to *„...speak about polyarchy instead of democracy"*[5]. According to his

[1] *See Dahl R.*: Dilemmas of Pluralist Democracy..., and also *Laslet P.*: Procedural Democracy, New Haven 1979.

[2] Dahl himself stresses that if the same term is used for different statutes, then analysis may lead to confusions.

[3] Aristotle included there also the unclear category – the endeavour to achieve *„common good"*.

[4] *G. Sartori*: Teória demokracie, Bratislava 1993, p.15.

[5] Ibid., p. 15.

3-илова

Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниши ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА
(1.02.2005 й.)

NN	ДИНИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ	ЖАМИ	Марказлар	Диний ташкилотлар	Ўқув юртлари	Монастирлар	Манзили
1.	Ислом	2000	2	1987	11		Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон, барча вилоятлар
2.	Рус Православ черкови	36	1	31	1	3	Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Кашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси
3.	Рим-католик черкови	5	1	4			Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари
4.	Евангель христиан-баптистлар черкови	23	1	22			Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари
5.	Тўлиқ Инжил христианлар черкови	22	1	20	1		Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон, Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари
6.	Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови	11		11			Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари
7.	Евангель-лютеранлар черкови	4		4			Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари
8.	Новоапостоль черкови	4		4			Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари
9.	"Иегов гувоҳлари" черкови	2		2			Тошкент, Фарғона вилоятлари
10.	Арман Апостоллик черкови	1		1			Самарқанд вилояти
11.	"Голос Божий" христиан черкови	1		1			Навоий вилояти
12.	Корейс протестант черковлари	60		60			Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Кашқадарё вилоятлари
13.	Яҳудийлар диний жамоалари	8		8			Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари
14.	Баҳоий диний жамоалари	6		6			Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари
15.	Кришнани англаш жамияти	1		1			Тошкент шаҳри
16.	Будда ибодатхонаси	1		1			Тошкент вилояти
17.	Библия китоб жамияти	1	1				Тошкент шаҳри
	Ўзбекистон бўйича	**2186**	**7**	**2163**	**13**	**3**	

DISCUSSIONS

Peter JUZA
Ph.D in Political Science, Docent, Slovak Republic

Theory of Polyarchy – A New Concept of Democracy

The tradition of a pluralistic approach to the functions of democracy was developed by K. Deutsch, and in particular by Robert Dahl, who recognised the possibility of workers' participation in the management of corporations. On the other hand, Robert Dahl, unsatisfied with the American and the European democratic traditions, democracy, developed a new concept of democracy and society – the ***polyarchy.*** The basis of his reflections is the logic of the necessity for a government's permanent response to the needs of the citizens.

A political theory is ready to consider a political system as a democratic one if the system shows a series of minimum formal democratic signs. It is important to find a consent in what a series of minimum formal democratic signs means. The basis for the consent lies in Schumpeter´s work *„Capitalism, Socialism and Democracy".*

Dahl corrected Schumpeter's concept by *polyarchy,* which better reflects the fundaments of the present pluralistic democracy and delineates the minimum necessary criteria for a *political democracy.*[1]

The present political theory sees the methodologically correct instrument of dividing the authoritarian and the democratic systems mainly in the formal procedural aspects of the social construction functioning.

In a discussion about democracy, it is not possible to attain to the difference between the descriptive *„it is"* and the prescriptive *„It must be".* I will therefore focus on the question how to define *(a practical, actual, daily)* democracy and how to analyse it as a terminological confusion.[2]

From the etymological point of view, democracy is the rule of the people, although Aristotle already knew that the number of the governing only does not define the positivity of the form of government.[3] To attain to this, also a mass psychosis or a mass hysteria turned against the freedom of an individual or of a minority would be a democracy. The famous theoretician of democracy G. Sartori stated: *„It is essential that the word democracy does not describe adequately the matter of democracy".*[4] G. Sartori further states that it is not possible to avoid the work – term *democracy,* neither to change it, nor to *„...speak about polyarchy instead of democracy"*[5]. According to his

[1] *See Dahl R.:* Dilemmas of Pluralist Democracy..., and also *Laslet P.:* Procedural Democracy, New Haven 1979.

[2] Dahl himself stresses that if the same term is used for different statutes, then analysis may lead to confusions.

[3] Aristotle included there also the unclear category – the endeavour to achieve *„common good".*

[4] *G. Sartori:* Teória demokracie, Bratislava 1993, p.15.

[5] Ibid., p. 15.

conclusions, democracy leads to a *prescriptive definition,* but it is necessary to seek a *descriptive definition* in analyses.[1]

In the new situation, a normative or prescriptive definition of democracy introduces standards and dimensions for ideals to evaluate and monitor the achievements of democracies in world.

Демак, терроризмнинг ҳозирги даврда глобаллашуви, яъни халқаро жараёнга айланиши, инсоният жамияти олдида турган бир неча халқаро муаммолар билан боғлиқ. Аммо терроризмга қарши кураш масалаларига бағишланган айрим тадқиқотларда масалаланинг бу томонини мутлақо эътибордан четда қолдириб, унинг асосий сабабини муайян бир мамлакат ёки мамлакатларнинг маълум сиёсий ва ҳарбий муаммолари билан белгилаш анъанаси намоён бўлмоқда. Чунончи, Б.Нетаньяху шундай деб ёзади. "Жангари исломчилар бир неча асрлар илгари исломнинг Европанинг юрагига зафарли юришини тўхтатиб қолганлиги учун ғарбни кечира олмаяптилар, чунки улар исломнинг бошқа ҳамма динлардан азалий устунлигига ишонадилар. Охирги икки юз йилликда ўзларидан паст деб ҳисобланган ва нафрат билан қараган ғарбнинг Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Форс қўлтиғидаги ислом мулкларига кириб борганлиги улар учун оғир зарба бўлди".[3]

Ушбу хулосанинг тарихий ҳақиқатга ва мантиққа зидлиги аввало шундан иборатки, ўша муаллиф таъкидлаётган ислом террорчиларининг фаолиятидан араб мамлакатларининг ўзи ҳам кам жабрланаётганлиги йўқ. Буни сўнгги йилларда қатор араб ва мусулмон мамлакатларида амалга оширилган террористик хуружлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида берилаётган маълумотлар яққол исбот қилади.

Шу муносабат билан масалага билвосита алоқадор бўлган бир нуқтаи назар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Нима учундир юқоридаги тилга олинган муаллиф ҳам, бошқа қатор хорижий "тадқиқотчилар"[4]

[1] Беньямин Нетаньяху: Война с терроризмом. М., 2002. с-15.

[2] Беньямин Нетаньяху: Война с терроризмом. М., 2002. с-20.

[3] У.Убайдуллаев "Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари" китобидан олинди. Т. 2002й. 11 бет.

[1] Қаранг: Существует ли исламистская угроза? М.Совершенно секретно, №8, 2000. С-5.

[2] Қаранг: "Правда Востока". 1996 й., 6 декабр.

[3] Б.Нетаньяху. Война с терроризмом. с18.

[4] Қаранг: Ольшанский Д.В., Психология терроризма. Изд-во "Питер" 2002. Артамонов И.И., Терроризм: способы предотвращения, методика расследования. М.2002; Ключников Б., Исломизм в США и Европе М.2003; Б.Нетаньяху. Война с терроризмом. М.2002.

ҳам ислом террорчиларига нисбатан "исламист" иборасини ишлатмоқдалар. Уларнинг бундан кўзлаган мақсадларини назарда тутиб, ушбу иборани ўзбек тилига фақат "ислом террорчилари" деб таржима қилиш мумкин. Лекин биз "исламист" иборасини ишлатиш назарий, мантиқий ва атамашунослик нуқтаи-назаридан мунозарали, деб ҳисоблаймиз. Чунки, биринчидан, бирор-бир назарияга, оқимга, мафкурага тааллуқли бўлган сўзнинг "ист" билан якунланиши худди шу назария, оқим ва таълимотга изчил тарафдорликни англатади (чунончи, "идеалист", "фундаменталист", "экстремист", "террорист" ва ҳоказо). Шу нуқтаи-назардан қаралса, ислом мафкурасига изчил риоя қилувчиларнинг ҳаммасини "исламист" деб аташга тўғри келади. Иккинчидан, бирон-бир диний мафкурани ниқоб қилиб олган террористик ташкилот ёки ҳаракатни бевосита шу дин номи билан аташ маънавиятнинг бир қисми ҳисобланган фанга нисбатан ҳурматсизликдир ва асоссиздир (гарчи баъзида дин ниқоби остида турли қирғинлар содир бўлган бўлса ҳам). Учинчидан, христиан, яҳудий, будда, ҳиндуизм динларини ниқоб қилиб олган ҳолда амалга оширилаётган террористик ҳаракатларни шу дин номи билан христианчилар, ҳиндуистлар, буддачилар деб аташдан, бевосита ўша ташкилотлар ўзларига берган номлар билан аталганида, ислом динини ниқоб қилиб олган террористик ташкилотлар ва ҳаракатларни ҳам ўзлари эълон қилган муайян номлар билан атамоқ зарур (чунончи, "Ваҳҳобийлар", "Ҳизбут таҳрирчилар", "Мусулмон бирадарлари", "ҳаммасчилар" ва ҳоказо). Гарчи ислом динини ниқоб қилиб олган турли террористик партиялар ва ташкилотлар ўртасида маълум умумий жиҳатлар мавжуд бўлса-да, уларни ҳатто ўзбек тилида ҳам бир умумий ном билан, яъни "ислом террорчилари", ёки юқоридаги муаллифлар ишлатган ибора "исломчилар" ("исломист") деб аташ масаланинг моҳиятига чалкашлик киритиши мумкин. Бу эса ислом динига мансуб бўлмаган халқларда ислом дини ҳақида нотўғри тасаввур хосил қилиши мумкин.

Шу муносабат билан тадқиқотчи У.Убайдуллаевнинг қуйидаги фикри асослидир: "Терроризмнинг глобаллашуви зиддиятли кечади. У саҳнага манфаат ва мақсадларига кўра турли-туман террорчилик ташкилотларини чиқаради. Бу жараён у қадар универсал ҳам, бир хил меъёр, мезонларга эга ҳам эмас. Ушбу ҳодисаларнинг вужудга келишини ёки географик аломатларни оладиган бўлсак, уларнинг мезонларини баҳолашда Яқин Шарқ, Европа ёки Лотин Америкаси терроризми ҳақида сўз юритса бўлади. Шу билан бирга, терроризмнинг умумий жиҳатлари ҳам бор".[1]

Хуш, бу умумий жиҳатлар нималардан иборат? Бу, авваламбор, ҳуқуқий зиддиятлар, зўравонлик усулларидан фойдаланиш, ғаратчилик, гаровга олиш, шафқатсизлик, ҳукумат, давлат ва жамият арбобларига нисбатан суиқасд, халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва муайян мамлакат ҳавфсизлигига зид бўлган ғайриқонуний талаблар қўйишдан иборат.

Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги таъкиди терроризм ва унинг глобаллашуви масаласига ҳам тааллуқли деб ҳисоблаймиз: "Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, диний фанатизмнинг "отилиб чиқиши"га соф, диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади".[1]

Терроризм асосида ижтимоий ҳаётда вужудга келадиган алоҳида гуруҳлар орасидаги қарама-қаршилик ва зиддиятлар, давлатлар орасидаги ҳудудий келишмовчиликлар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам ётади. Кўп қутбли дунё тузилишига ўтиш мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишда турли-туманликнинг кучайиши билан кечмоқда, жаҳонда янги хил таъсир марказлари шаклланмоқда. Айни вақтнинг ўзида турли давлатлар ва халқлар манфаатларининг ўзаро муштараклиги билан бир қаторда, қарама-қаршиликлар, зиддиятларни келтириб чиқарувчи шароитлар вужудга келиб, улар минтақавий, миллий ва глобал даражалардаги беқарорлик омилига айланмоқда. Бу зиддиятлар халқаро хавфсизликка бўлган таҳдидни кучайтириши, тангликни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам россиялик сиёсатчи олим Е.М-.Примаков таъкидлайдики, эътиборни минтақавий зиддиятларнинг террорчилик тўлқинини яратиб, кези келганда унинг ўз чегарала-рини узоққа улоқтириб ташлайдиган хавфли жиҳатларига қаратиш керак.[2]

Терроризмнинг глобаллашуви ва халқаро кўламда кенг тарқалиши билан боғлиқ яна бир масала-бу дин ва унинг асосида вужудга келган муаммолардир. Диний ақидапарастлик, фундаментализмнинг турли экстремистик ва террористик ташкилотлари ҳамда ҳаракатлари учун муайян ғоявий ва мафкуравий манба бўлиб хизмат қилиши аниқ нарсадир. Терроризмнинг глобаллашувида диннинг тутган ўрни каби назарий масалага келсак, айтиш жоизки, бу асосан диннинг сиёсатлаштирилиши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда диннинг сиёсатлашуви ҳамда диний экстремизм муаммоси глобал муаммога айланмоқда. В.Шведовнинг таъкидлашича, конфронтация вируси борган сари зўрайиб, динлараро муносабатлар стратегик глобал муаммолар даражасига кўтарилмоқда.[3]

Шу нарса аёнки, терроризм ҳамда диний экстремизмнинг глобаллашуви параллел ривожланиш жараёни сифатида кечмоқда. Диний экстремизм сиёсий экстремизмнинг юқори шакли ва манбаи эканлигини ҳисобга олиб, глобаллашув шароитида унга таъсир кўрсатилмаса, терроризмга қарши курашда янги муаммолар вужудга келиши аниқдир.

Президент И.А.Каримов "Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий

[1] Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. Т. 2002й, 42-бет.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 1997. 38 бет.

[2] Қаранг: Примаков Е.М. Многополярный мир и ООН. Международная жизнь. 1997, №10.с3-8.

[3] Қаранг: Шведов В. Религия и политика //Международная жизнь. 1992. №5.с59.

қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар, ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун хавф-хатар деб ҳисоблаймиз"[1] деб таъкидлашида диннинг сиёсатлашуви ва унинг асосида вужудга келиши мумкин бўлган диний экстремизм ва терроризм хавфини очиқ-ойдин кўрсатиб берган. Айтиш жоизки, диннинг сиёсийлашуви натижасида вужудга келувчи хавф нафақат Ўзбекистонга оид, балки турли динга эътиқод қилувчи халқлар яшайдиган ҳамма мамлакатларга ҳам тааллуқли бўлган глобал муаммодир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 1997.
2. И.А.Каримов "Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз" Т. "Ўзбекистон" 7-жилд.
3. Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар Т. "Ўзбекистон", 2000й.
4. Очилдиев А. "Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси". Т., 2002й.
5. Беньямин Натаньяху: Война с терроризмом. М., 2002.
6. У.Убайдуллаев "Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари" Т. 2002й., 11 бет.
7. Существует ли исламистская угроза? М., Совершенно секретно, №8, 2000, с-5.
8. Тувер А.И.Проблема терроризма на рубеже третьего тысячелетия Новой эры. Htip ‖ wwwe-journal? Eurost-3html.
9. Ольшанский Д.В., Психология терроризма. Изд-во "Питер" 2002.
10. Артамонов И.И. Терроризм: способы предотвращения, методика расследования. М.2002.
11. Ключников Б., Исламизм в США и Европе М.2003.
12. Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. Т. 2002й, 42-бет.
13. Примаков Е.М. Многополярной мир и ООН// Международная жизнь. 1997, №10.с3-8.
14. Шведов В. Религия и политика //Международная жизнь. 1992. №5.с59.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 1997, 44-бет.

Uskenbayev O'.
JIDU dotsenti

MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI VA YEVROPA ITTIFOQI MUNOSABATLARI HAQIDA BA'ZI MULOHAZALAR (O'ZBEKISTON MISOLIDA)

O'zbekiston Respublikasi Markaziy Osiyo(MO) davlati sifatida geografik jihatdan Yevropadan ancha yiroq joylashgan bo'lsa ham, zamonaviy iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy munosabatlar natijasida Yevropaga va Yevropa Ittifoqi(YI)ga tobora „yaqinlashib" bormoqda. Yevropa Ittifoqi bu hamkorlikka to'g'ri baho bergan holda, ayniqsa, 2001 yil 11 sentabrdagi terrorchilik harakatlaridan keyin O'zbekistonga nisbatan yangi strategik hamkorlik dasturlari bilan javob bermoqda. Agar yaqin kelajakda Janubiy Kavkazdagi respublikalar YI a'zosi boladigan bo'lsa, u holda Kaspiy dengizi YIning sharqiy chegarasini tashkil etadi va Markaziy Osiyo Yevropaning bevosita qo'shnisi bo'lib qoladi.

Yevropa Ittifoqining Markaziy Osiyo davlatlariga nisbatan munosabatlarining 2001 yil 11 sentabrdan keyin qay darajada o'zgarganligini o'rganish jiddiy e'tiborga sazovordir. Bu vazifani amalga oshirishda YIning Markaziy Osiyoga nisbatan munosabatini YIning boshqa bir mintaqaga nisbatan bo'lgan munosabati bilan qiyosiy o'rganish muhim. Bu o'rinda biz janubiy Kavkaz respublikalarini mintaqa sifatida ko'zda tutmoqdamiz. YI va MO davlatlari o'rtasidagi munosabatlari qanday asosda qurilgan va hamkorlik qay darajada amalga oshmoqda? YI tomonidan ilgari ham bir necha marotaba Markaziy Osiyo mintaqasiga nisbatan hamkorlik loyihalari ishlab chiqildi, lekin bu loyihalar to'liq amalga oshmadi, ba'zilari esa hatto qog'ozda qolib ketdi.

YI Markaziy Osiyo davlatlari bilan qanday shartnomaviy-huquqiy hujjatlar asosida hamkorlik qilmoqda? YIning Markaziy Osiyoga nisbatan siyosati qay darajada amalga oshmoqda? Bu siyosat faqat iqtisodiy mojarolarni bartaraf etish va atrof-muhitni muhofaza qilish kabi yo'nalishlar bilangina cheklanib qolmayaptimikan? Shu narsani ta'kidlash joizki, Markaziy Osiyoda havfsizlik va barqarorlikni saqlash – YIni sharqqa qarab kengaytirish kabi yaqin kelajakdagi dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. U holda yana bir savol tug'iladi: barqarorlikni saqlash zarur va muhim ekan, nega endi shu maqsadda Kavkaz davlatlari o'rtasida barqarorlikni saqlash to'g'risidagi bitimga o'xshash bitimlarni Markaziy Osiyoda ham imzolash mumkin emas? Bu juda ham o'rinli va maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Amerika Qo'shma Shtatlari, Rossiya va Xitoy salohiyatli hamkorlar sifatida o'z mavqe'iga ega. Lekin YIning MO mintaqasidagi imkoniyatlari cheklangan deb bo'lmaydi.

Kavkaz davlatlaridan keyin birin-ketin Markaziy Osiyo respubikalari ham YI bilan sherikchilik va hamkorlik to'g'risidagi bitimlarini (Abkommen über Partnerschaft und Zusammenarbeit (APZ)PCAs)[1] imzoladilar. Ushbu bitimlar YI bilan Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasidagi hamkorlik munosabatlari uchun umumhuquqiy asos bo'lib xizmat qilmoqda. Amalda qo'llanilayotgan bitimlar asosida esa Hamkorlik Kengashlari tashkil etildi.[2] Mazkur Hamkorlik Kengashlari tomonidan YI bilan Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasidagi hamkorlikning borishi to'g'risida muntazam ravishda anjumanlar o'tkaziladi. Markaziy Osiyo davlatlari, Kavkaz davlatlaridan farqli o'laroq, YIga nisbatan munosabatlarda bir hil maqomga ega emas. Kavkazdagi barcha davlatlar YI bilan hamkorlik bitimini imzolaganlar, ratifikatsiya qilganlar va mazkur bitimlar kuchga kirgan. Bundan tashqari, Kavkaz davlatlari YI kengashida qatnashish huquqiga ega. Bunday hamkorlik bitimlari Qirg'izistonda (01.07. 1999), Qozog'istonda (01.07.1999) va O'zbekistonda (01.07.1999) kuchga kirgan, lekin Turkmanistonda bu hujjat ratifikatsiya arafasida, ammo Tojikistonda bunday bitim imzolanishi hali taklif etilgani yo'q.[3]

PCAs-Bitimlarining asosiy maqsadi – siyosiy muloqotga erishish va ushbu dialog yordamida ikki tomonlama siyosiy munosabatlarni o'rnatish, demokratik qadriyatlar va bozor iqtisodiyotini shakllantirish, bozor iqtisodiyotiga asoslangan iqtisodiy munosabatlarni yaratishdir. Bitimdagi moddalarda mintaqada iqtisodiyot sohasida ijobiy natijalarga erishish, qonun chiqarish, moliya, fuqarolik huquqi, ilm-fan, texnologiya va madaniyat sohalarida o'zaro hamkorlik qilish belgilab qo'yilgan. YIning tashabbusi asosidagi bu hamkorlik dasturlari Markaziy Osiyodagi siyosiy barqarorlikni ta'minlashga yordam beradi, o'zaro iqtisodiy imkoniyatlar yaratadi va shu bois Markaziy Osiyo davlatlari va YI birgalikda ko'proq muvaffaqiyatlarga e'rishadi. YI va Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasidagi munosabatlar YI bilan Kavkaz davlatlari o'rtasidagi munosabatlardan farq qiladi. Chunki, Markaziy Osiyo davlatlari kelajakda YIga a'zo bo'lishga da'vogar emas. Kavkaz davlatlari esa bunga da'vogar. Shu sababli Markaziy Osiyo mintaqasiga Kavkaz davlatlariga nisbatan kamroq moddiy yordam ajratilgan. Sobiq sovetlar Ittifoqi parchalanib ketganidan keyin Markaziy Osiyoda iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy „de-modernizatsiya" jarayoni boshlangan. Mintaqadagi davlatlar hamon o'tish holatidalar, vaholanki ba'zi sobiq Ittifoq davlatlari esa rivojlanish yo'liga o'ta olganlar. YIning har bir hamkorlik loyihasi ushbu o'ziga xos shartlarni amalga oshirishni taqozo e'tadi.

2001 yilning 11 sentabridan keyin YI Markaziy Osiyoda barqarorlikni ta'minlash vazifasini o'z oldiga qo'yganligini kuzatish mumkin. Shu bilan birga, AQSh mazkur mintaqaga nisbatan havfsizlikni ta'minlashda „qattiq" siyosat tarafdori sifatida faoliyat ko'rsatayotgan bo'lsa, YI e'sa havfsizlikni ta'minlashda „yumshoq" siyosat yuritish tarafdori. YIning Kavkaz va Markaziy Osiyoda hamkorlik qilish vositasi sifatida asosan uchta dasturi amal qilmoqda, ya'ni: TACIS («Technical Assistance to the Commonwealth of Independent States»), INOGATE («Interstate Oil and Gas Transport to Europe»), va TRACECA («Transport Corridor Europe-Caucasus-Asia»). INOGATE va TRACECA – TACIS dasturining davomi hisoblanadi.

YI va unga a'zo davlatlar Sharqiy Yevropa va Markaziy Osiyo uchun mablag' hamda texnik yordam ko'rsatuvchi asosiy donor hisoblanadilar. 1991 yildan 1999 yilgacha bo'lgan muddat ichida sharqiy Yevropa va MO davlatlari TACIS dasturi orqali 4,226 mlrd Yevro miqdorida bozor iqtisodiyotiga o'tish va demokratiyaning barqaror bo'lishi uchun yordam oldilar. 2000-2006 yillar uchun bu mintaqaga 3,138 mlrd Yevro ajratilgan. Bundan tashqari YI va MO davlatlari savdo-sotiq sohasida yaxshi hamkorlar hisoblanadilar. TACIS dasturida barcha sobiq sovet ittifoqi respublikalari qatnashadilar. Dasturni amalga oshirishdan asosiy maqsad siyosiy-iqtisodiy jihatdan mazkur davlatlarga o'tish davrida ko'mak berish, demokratik tuzilmalarni barpo etishda yordam ko'rsatish va, nihoyat, MO davlatlarining jahon bozoriga integratsiyalashuvini ta'minlashdir. 90-yillarning boshida Kavkaz va MO davlatlari bilan dunyoning boshqa davlatlari o'rtasida ko'plab yuqori darajadagi rasmiy uchrashuvlar o'tkazildi va natijada ko'plab ikkitomonlama munosabatlar o'rnatildi.

1995 yil dekabr oyida Madridda yuqori darajadagi rasmiy uchrashuvlar o'tkazildi va aniq siyosiy dastur (*European Political Agenda*) rivojlantirilishi e'lon qilindi. Shu orqali YI birinchi marta MO mintaqasida o'zining geosiyosiy va iqtisodiy manfaatlari borligini bildirdi. YI uchun bu mintaqa o'zining foydali qazilmalari, Yevropa va Osiyoni hamda Uzoq Sharqni ham bog'laydigan tarkibiy qism va kelajakda rivojlanish yo'lida beqiyos imkoniyatlarga ega bo'lgan, shu bilan birga, xalqaro uyushgan jinoyatchilik uchun (asosan narkotrafik, qurol-yaroq va xalqaro terrorizmning yangi ko'rinishidagi xavf-hatar uchun) katta darvoza vazifasini o'zlari xohlamagan holda bajarmoqda. Shuning uchun mintaqada o'z manfaatlarini boshqa davlatlar ham (Rossiya, AQSh, Xitoy, Eron va Turkiya) izlamoqdalar. Mintaqada esa YI bilan yanada ko'proq sohalarda hamkorlik qilish istaklari mavjud. Energiya resurslaridan foydalanish uchun hamkorlik qilish istagi ustivor hisoblanadi. O'zaro hamkorlik bitimlarini imzolashdan ham asosiy maqsad mazkur munosabatlarga huquqiy kuch berishdir.

Johannes Reissner MO mintaqasida faoliyat ko'rsatayotgan xalqaro aktorlarning tutayotgan strategiyasini quyidagicha baholaydi: "Yevropaning mazkur mintaqada

[1] Sherikchilik va hamkorlik to'g'risidagi bitimlar YIning MO davlatlari bilan siyosiy, iqtisodiy va savdo-sotiq sohalaridagi munosabatlarini o'rnatishga qaratilgan. Shu bilan birga bu bitimlarga asosan MO davlatlarining bozor iqtisodiyotiga o'tish va pluralistik demokratiya sharoitini yaratishga ko'maklashish maqsadi qo'iylgan. *Qarang:* Wittebrood, Cees F.: WU and Central Asia, Speaking Points. Symposium „Geo-politics in Central Asia» Berlin, dem 08.03.2002, Seite 3.

[2] Hamkorlik Kengashi vazirlar yig'ilishi darajasida bir yilda bir marta chaqiriladi.

[3] *Qarang:* http://europa.eu.int/comm/external_relations/kirgistan/intro/ http://europa.eu.int/comm/external_relations/kazakhstan/intro/ http://europa.eu.int/comm/external_relations/usbekistan/intro/ http://europa.eu.int/comm/external_relations/turkmenistan/intro/ http://europa.eu.int/comm/external_relations/tajikistan/intro/

faoliyati uchun aniq strategiyasi va vositasi ham mavjud emas. AQSh esa bu mintaqa uchun aniq va uzoq muddatga mo'ljallangan strategiyasini ishlab chiqqan va tegishli vositaga ham ega».[1]

MO davlatlarini qo'llab-quvvatlash uchun ushbu davlatlarda qonun chiqarish shakllari, fuqarolik jamiyatini qurish, saylov standartlariga rioya qilish kabi talablar qo'yilgan. Alexander Rahr fikriga ko'ra:"YI o'zining yangi hamkorlaridan g'arbiy Yevropadagidek demokratiya modelini qabul qilishlariga umidvor bo'lib, ulardan inson huquqlarini to'liq ta'minlaydigan va ratifikatsiya qilingan shartnomaga amal qilishga majbur etmoqda".[2] Muammo shundan iboratki, MO davlatlari bilan YI o'rtasida bir necha shartnoma va bitimlar imzolangan, lekin ularga rioya qilinmayotganligi tekshiruv va kuzatuvlar natijasida ma'lum bo'lgan. 1999 yil noyabr oyida Istambulda bo'lib o'tgan yuqori darajadagi EXHT anjumanida O'zbekiston va Qozog'iston terrorizmga qarshi keskin kurash maqsadida xalqaro markaz tashkil etishni va uning byurosi uchun Toshkentni taklif etdilar. YI davlatlari bu masalada bir qarorga kelgunlaricha buyuk davlatlardan biri bu masalada tashabbusni o'z qo'liga olishga ulgurdi.[3] YIning MO masalasida bunday uzoq vaqt biror fikrga kelishi bu mintaqada AQSh o'zining manfaatlarini ta'minlaydigan strategiyasini qabul qilishiga olib keldi.[4]

Xalqaro hamjamiyat (YI ham shu qatorda) O'zbekiston orqali harbiy va gumanitar yordamni 2001 yil 11 sentabrdan keyin Afg'onistonga yo'naltirishni dolzarb va muhim deb hisoblaydi. O'zbekistonning bu masaladagi sa'yi-harakatlari YI tomonidan ham ma'qullandi va bu davlat bilan aloqalar yanada yaxshilandi. O'zbekiston Tashqi ishlar vazirligi bayonotida aytilishicha, Afg'onistondagi va unga qo'shni davlatlardagi sharoit terrorizmning tarqalishi, bunga yo'l qo'ymaslik uchun MO davlatlari oldida yangi vazifalar mavjud va birgalikda rivojlanishdagi yangi imkoniyatlar yaratilgan.[5]

Ispaniyaning Vazirlar kengashi raisi J.Pique ham YI O'zbekiston va MOga yordam ko'rsatish tadbirlarini kelajakda yanada rivojlantirish lozim degan fikrda.[6] Bu fikr Yevropa Komissiyasi raisi muovini Catherine Day tomonidan ham ma'qullangan edi.[7]

YI o'z navbatida bu borada tegishli tadbirlarni amalga oshirishga kirishdi. YI va MO mintaqasi davlatlari AQSh ning Afg'onistondagi harbiy harakatlarini qo'llab-quvvatladilar. Bu tadbirlar orqali YI o'zining MOda uzoq muddatli hamkorlik qilishda manfaatlari mavjudligini bildirdi.

MOda 2000-2006 yillar uchun TACIC dasturini davom ettirilishi ham YIning mintaqadagi hamkorlik munosabatlarining jiddiyligidan dalolat beradi.

2001 yil 11 sentabrdagi terroristik harakatlardan keyin YI MO mintaqasidagi tutayotgan siyosatiga o'zgarishlar kiritish kerak deb topdi. Germaniya Federativ Respublikasi ushbu siyosiy o'zgarishlar jarayonida faol qatnashdi. Islom fundamentalizmining Afg'onistonda faollashuvini, MO mintaqasiga kirib kelishini MO davlatlari ham, YI ham xohlamasligi - YIning tashqi siyosatiga o'zgartirishlar kiritdi. MO Yevropaga jug'rofiy jihatdan uzoq bo'lsada, e'ndi siyosiy jihatdan yaqin bo'lib qoldi.

YIning boshqa mintaqaviy yetakchi davlatlarga, masalan, AQSh, Xitoy, Eron, Turkiya va Rossiyaga nisbatan hamkorlik darajasi chegaralangan. Lekin YI mintaqada ko'plab dasturlarni amalga oshirmoqda: TACIS, Iste'mol mollarini yetkazib berish, Reabilitatsiya, Demokratiya, Tempus, TRACECA, INOGATE, Atrof-muhitni muhofaza qilish, Yadroviy va narkotik moddalarga qarshi kurash dasturlari va boshqalar.

2003 yilning yanvar oyida YI tomonidan O'zbekistonning mintaqadagi boshqa qo'shni davlatlar bilan birgalikda bildirgan „Yevropaga narkotik moddalarning olib kirilishiga va uyushgan jinoyatchilikka qarshi kurash" loyihasi qo'llab-quvvatlandi. Bu kurashda mintaqa davlatlari o'zaro hamkorlik qilsalar maqsadga e'rishish mumkinligi aytildi.

YI O'zbekistondan demokratiya, davlatchilikda qonun ustivorligi, inson huquqlari va matbuot erkinligi, mamlakatda, mintaqada tinchlik va barqarorlikni ta'minlashning asosiy omili b'olgan bozor iqtisodiyotiga kirish hamda Yevropa investitsiyasi va tadbirkorlari uchun qulay sharoit yaratishni davom ettirishni xohlaydi. Yevropa-O'zbekiston hamkorlik kengashida noharbiy yadro mollari savdosi to'grisidagi bitim imzolandi. Shu davrgacha O'zbekiston bilan Yevropa Ittifoqi o'rtasidagi munosabatlar hamkorlik bitimi asosida olib borilmoqda edi. O'zbekiston tomonidan kelajakdagi munosabatlar ushbu bitim asosida davom ettirish istagi ma'lum qilindi.

YIning MOdagi hamkorlik siyosatini yorituvchi deyarli barcha manbalar rejaviy istak-xohishlar va „quruq va'dalar" bilan chegaralanib qolganligi sababli, biz mazkur maqolani tayyorlashda ba'zi bir qiyinchiliklarga uchradik. 2001 yilning 11 sentabridan keyin ham bu munosabatlarda juda katta ijobiy o'zgarishlar bo'ldi deb ham ta'kidlay olmaymiz. YI MO mintaqasiga nisbatan munosabatlaridagi o'z oldiga qo'ygan maqsadlarini faqatgina 1995 yilga kelib amalga oshira boshladi. YI o'zining siyosiy loyihalarini xavf-xatarni sezgandagina bajarayotganligini kuzatish mumkin. Masalan, YIni Sharq tomon kengaytirish natijasida kelajakdagi sharqiy chegaralarda yangi xavf-xatar (narkotik moddalar savdosi, qochoqlarning chegara atrofida ko'plab yig'ilib qolishi, islom fundamentalizmi)ning mavjud bo'lishi. Bundan tashqari Afg'onistondagi Tolibon harakatining yana „jonlanishi" mumkinligi va bu harakat qo'shni MO davlatlariga o'tib „avj" olishi ehtimoli YIdan xalqaro siyosatda faol

[1] Reissner, Johannes: Zentralasiatische GUS-Staaten. Sollte die deutsche Hilfe stärker an Bedingungen geknüpft werden? in: Das Parlament, vom 09.06.2000, Seite 1. // (O'zbekiston AQSh bilan strategik hamkorlik to'g'risida bir tomonlama Bitimni imzolagan. Rossiya ham ushbu uchta aktorlar orasida yagonasi sifatida O'zbekiston bilan ikki tomonlama strategik sherikchilik to'g'risidagi Bitimga ega. // O'zbekiston Respublikasi bilan Rossiya Federatsiyasi o'rtasida strategik sherikchilik to'g'risidagi bitim 2004 yil 16 iyunda Toshkentda imzolandi.)

[2] Rahr, Alexander: Kapitel IV. Europa im neuen Zentralasien, in: Sherman W. Garnett, Alexander Rahr, Koji Watanabe: Der Kaspische Raum vor den Herausforderungen der Globalisierung. Die Verantwortung der trilateralen Staaten für die Stabilität der Region. Berliner Schriften zur Internationalen Politik. Forschungsinstitut der DGAP, Opladen 2001, Seite 86.

[3] Ko'rsatilgan adabiyot. 92-betga qarang.

[4] (EU) EU/Usbekistan: Die EU spricht sich für eine intensivere Zusammenarbeit mit Usbekistan und der Gesamtheit der mittelasiatischen Staaten aus, Brüssel 29.01.02.

[5] Yuqorida ko'rsatilgan manbaga qarang.

[6] Yuqorida ko'rsatilgan manbaga qarang.

[7] Yuqorida ko'rsatilgan manbaga qarang.

bo'lishni taqozo etmoqda. Shu sababli YI MO mintaqasiga nisbatan munosabatlarini yanada yaxshilash, kelajakdagi vujudga kelishi mumkin bo'lgan xavflarning oldini olish kabi havfsizlik siyosatini kuchaytirmoqda. YI Rossiyaning MO mintaqasidagi o'rni va salohiyatidan unumli foydalanishi kerak. YIning MOdagi asosiy manfaaatlaridan biri bu mintaqadagi davlatchilik qurilishi jarayonini qo'llab-quvvatlash va barqarorlikni ta'minlashdir. YIning mintaqadagi faoliyati cheklanganligi bu mintaqaga boshqa xalqaro aktorlar kirib kelishiga sabab bo'lgan. Lekin shunga qaramasdan, ba'zi tadqiqotchilarning ta'kidlashlaricha, YIning mintaqadagi dasturlari muhim ahamiyatga ega bo'lib, o'ziga xos ravishda „bo'shliqni to'ldirib turibdi".[1] Ilmiy jihatdan tadqiq e'tilganda, YIning MOdagi faoliyatiga ikki xil ta'rif berish mumkin. Birinchidan, YI va unga a'zo davlatlar MOga nisbatan o'zlarining munosabatlariga ijobiy baho bersalar, ikkinchidan, YI o'zining yuqori darajadagi iqtisodiy va texnologik imkoniyatlari mavjud bo'lishiga qaramasdan, mintaqada dominantlik qila olmayapti. Shu narsa ma'lumki, YI MO mintaqasida hamon bir butun aktor sifatida ham harakat qila olmayapti. Bugungi kunga qadar YIning mintaqada diplomatik vakolatxona maqomida faoliyat ko'rsata oladigan yagona vakolatxonasi mavjud emas. Hozircha YI MO davlatlariga nisbatan „yopiq"ligicha qolmoqda. Biz faqatgina tashqi va havfsizlik siyosatidagi hamkorlikni yaxshi deb ta'riflay olamiz. Bu o'rinda ta'kidlash joizki, YI ga a'zo davlat sifatida GFRning O'zbekiston bilan ikki tomonlama munosabatlari nisbatan faol va samarali bo'lmoqda.

[1] Kreft, Heinrich & Huterer, Manfred: Neues „Great Game» in Zentralasien, Österreichische Militärische Zeitschrift, Seite 618 & 619.

B.Ochilov
Senior teacher, UWED

ANALYSIS OF GEOSTRATEGIC CONCEPTIONS IN RELATION TO CENTRAL ASIA

The sharpening of strategic competition in Central Eurasia caused contradictions in realization of geopolitical and geoeconomic projects by different countries, thereby affecting the balance of power and interests in the region. According to experts, the arena of the renewed "Great Game" spans the entire region 'from the Pacific to the Persian Gulf'[1]. The central axis of current global competition has been the South and Central Eurasian landmass[2]. The U.S., Russia, EU countries, Japan, China, India, Pakistan, Iran, Turkey and others are trying to maintain their strategic presence in the region. The sustainable political and economic influence, together with effective maneuvers, diplomacy, coalitions and balance of powers are the key components of successful realization of geostrategic policy and power over Eurasian landmass[3].

The American strategic thinking of early 90-s measured Central Asia through the prism of Russian leading role in the region Central Asia. It has considerably limited preparedness of Washington to facilitate regional initiatives. The permanent conflicts and awaiting strategy of the West additionally complicated the state of affairs in global politics. In this context a very vivid example is a 20-year conflict in Afghanistan which became an everlasting fireplace of instability in Central Asia plus macro-region of Southern Asia and Middle East.

After September 11 2001, the American policy tended to play sufficient progressive role in maintaining geopolitical balance in Central Asia. International developments generally demonstrate the declination of Russian influence while the American geopolitical role has significantly increased in the region. Moreover, substituting the traditional role of Russia, the US has started functioning as a guarantee of regional security[4]. Subsequently, the factor of military presence of the US has fundamentally changed the balance of power and interests in the regional geopolitics. At the same time the strategic

[1] Sanjaya Baru. The New Great Game. // Indian Express. Nov. 24, 2003.
[2] Michael Klare. The New Geopolitics. // Monthly Review. Volume 55. №3. July-August 2003
[3] Хидоятов Г.А. Геополитическое значение Центральной Азии: основные критерии и условия региональной безопасности. //Международные отношения. УМЭД. 2002. №1. С.77.
[4] См.: Коэн А. США, страны Центральной Азии и Кавказа: проблемы и перспективы взаимоотношений// Центральная Азия и Кавказ.- 2000.- № 2 (8) -С. 35-37

context of US presence in the region means that Washington has militarily encircled China on the land and considerably limited the influence of Iran in the region.

Subsequently, the war in Iraq has changed the configuration of global security landscape. Several analysts assume that the geostrategic objective of American military campaign in Iraq is domination in Persian Gulf, which may serve as a chokepoint for further promotion of US strategic interests in Eurasia[1]. It is considered as 'extended process of promoting US supremacy in South and Central Eurasia'. The new foreign political strategies of Preemptive attacks, the Greater Middle East Initiative etc. assume that specificity of American national interests is its global coverage, which according to experts stresses the "spirit of interventionism" in the US foreign policy[2].

Moreover, US military presence enabled Washington to push forward its geoeconomic projects. It has activated the creation of oil and gas transportation routes in order to have a direct access to Central Eurasia and the Greater Middle East, the fundamental characteristics of which are energy sources, communication capabilities as well as the existence of Rogue-states.

Meanwhile, the US pipeline policy 'seeks to enhance global energy security by ensuring reliable flows of gas and oil to global markets'[3]. It is believed that the 'strategy of supporting friends in Caucasus and Central Asia' will enable US to secure the multibillion investments in energy resources, being vital in next millennium[4]. The U.S.-supported Baku-Tbilisi-Ceyhan pipeline should become the major route for the oil to get to Western markets. The leaders of Pakistan, Afghanistan and Turkmenistan signed an agreement December of 2002 with the U.S. firm Unocal to lay a gas pipeline through Afghanistan to serve Turkmenistan's vast gas fields. Oil giants such as Exxon Mobil, Chevron Texaco and BP have already invested more than $30 billion in new production facilities[5].

At the moment, according to a number of experts, the priority is given to those projects which are not linked to the Russian territory[6]. The emerging complex of oil and gas pipelines in the Caspian 'ought to include some that their way west through non-Russian territory and terminate in Turkey[7].

[1] Michael Klare. The New Geopolitics. // Monthly Review. Volume 55. №3. July-August 2003

[2] Хасанов У. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). М. 2004. –С.23

[3] B. Lynn Pascoe. Security, Stability, Prosperity: Engaging the Eurasian Front-Line States. Remarks Delivered at International Conference on Central Asia and the Caucasus, Yale Center for the Study of Globalization, New Haven, Connecticut. September 20, 2002

[4] Коэн А. США, страны Центральной Азии и Кавказа: проблемы и перспективы взаимоотношений // Центральная Азия и Кавказ.- 2000.- № 2 (8).- С. 45.

[5] Kleveman L. The New Great Game. The "War on Terror" is Being Used as an Excuse to Further US Energy Interests in the Caspian. //Guardian/UK. 20 October, 2003. http://www.guardian.co.uk/

[6] См., напр.: Казакова М., Комиссина И. Пакистан: *геоэкономические интересы в* Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ.- 2001.- № 5 (17).- С. 144-158

[7] Starobin P. The New Great Game // National Journal. 12 March, 1999.

On the other hand, American experts assure that the 'multiple pipelines strategy is anti-monopoly, not anti-Russia'. The U.S. was actively involved with the early oil pipeline from Baku to Novorossiysk of 1997, the Baku-Supsa pipeline of 1999, and the Caspian Pipeline Consortium project, completed in 2001.

At the same time, observers noted the emergence of divergences in approaches of the U.S. and EU in relation to Central Asia. They include contradictions in questions of military presence in Central Asia, problems of internal priorities within the region, and interpretation of terrorism. Moreover they were in many respects objective and far-reaching in character[1]. These divergences may complicate the formation of regional security system in Central Asia. Moreover, the existence of contradictions in policies of the US and European powers might exclude the opportunities of developing a unified policy for initiating and promoting reforms and democratization in Central Asian countries, which may cause long-term instability in the region[2].

European policy based on the principles of the regional strategy for 2002-2006, allocated 50 million Euros as aid to the region through the TACIS program[3]. TRACECA[4], the most grandiose transport corridor project of EU, will link Europe through the Black Sea, and then go through Caucasus and the Caspian Sea and reach Central Asia, which would be linked with China and Hindustan[5]. It may facilitate projection of Central Asia as a strategic ring in Eurasian communications system of global importance. And Central Asia may become the facilitator of the integration between Europe and Asia[6].

Meanwhile, the realization of TRACECA is challenged by "North-South" project, aimed at linking India, Iran, the Caspian Basin and Europe through Russian territory. Moreover, supported and promoted by Russia, this project may change its direction and go through Uzbekistan and other Central Asian countries once the political decision is made. At the same time, surely, it will not harm the significance of TRACECA, although it may facilitate Russian involvement in the region, which is very important for Russia.

Furthermore, contemporary Russia seems to have at least developed its Central Asian strategy taking into account its long-term strategic interests, including the development of interstate structures. In current geopolitical conditions Russia has to deal with strategic presence of other external powers in the region primarily US. The present Russian strategy intends to more cooperation than con-

[1] См.: Antonenko O. Transatlantic Contradictions in the Central Asian Region // Central Asia's Affairs. №2. 2002. P.10.

[2] Ibid.

[3] The program aimed at promoting regional cooperation and construction of a 'good neighborhood' between countries, integration of the region to the world economy and European economic space, and fighting poverty, illegal immigration, crime, drug trafficking etc.

[4] launched in the framework of TACIS in Brussels in May 1993

[5] См.: Абдуллаев Т. ТРАСЕКА – коммуникация XXI века //«Бизнес-вестник Востока», 26 июля 1999 г.

[6] См.: Хидоятов Г.А. Безопасность и сотрудничество в Центральной Азии: проблемы, поиски, решения. // Международные отношения. УМЭД. 2001. №3. С.63.

frontation with the West. Consistently, Russia may undertake measures aimed at strengthening its military presence and enhancing economic involvement in the region[1].

Some years ago, observers characterized China as an inactive power in the regional processes because it was concentrated on Asia Pacific[2]. China's strategy focused on strengthening trade and economic relations with Central Asian countries. Its trade representative offices in the region were open earlier than embassies[3]. The further developments of international and regional situation have demonstrated increasing importance of Central Asia for Beijing. China's security was challenged by national separatism and real growth of Islamic and nationalistic feelings in East Turkistan, namely Xingjian Uighur Autonomous region. It actualized the necessity of wider cooperation with Central Asian countries facing, in their turn, the very challenges and threats of radical Islamism, sponsored from outside the region.

Due to its security interests in East Turkistan, China pledged its support for the US campaign against terrorism and military strikes against Afghanistan. It was the 'first time since the Cold War that China backed a US military operation'[4]. In its turn the military presence of the US and NATO forces near to its western borders has lead to evolution of the importance of Central Asian countries in the foreign political priorities of Beijing.

At the same time, the US military presence in Central Asia activated Chinese security concerns on the potentiality of 'utilization of US military bases against China[5]. The intense developments in Russian-American relations have brought supplementary concerns to Beijing. Moreover from standpoint of China, the engagement of Central Asian countries with NATO, particularly Partnership for Peace, may decrease the importance of Shanghai Organization of Cooperation and Commonwealth of Independent States.

The contemporary Chinese strategic thinking has come to the conclusion that China has to focus on 'Eurasian involvement', which presupposes "peaceful rise" of China in the new century. The demands of the growing Chinese economy for energy resources and raw materials of the region actualize the enhancement of the investment activity of Beijing in the field of oil and gas extraction and transportation. Beijing has reached an agreement with Kazakhstan to build a pipeline from the Chinese-controlled Kazakh oilfields to northwestern China[1]. Beijing hopes that this pipeline will also be utilized to supply Korea and Japan, bypassing the sea routes controlled by the U.S. and Indian navies[2]. Moreover China has joined a consortium to build a pipeline from the Caspian to Iranian oil refineries to carry out oil swaps in which Kazakh oil is shipped to northern Iran while equal amounts of Iranian crude are shipped from its ports on the Persian Gulf to China. Some analysts believe China's involvement in the swaps and pipelines suggests that Beijing may be attempting to exert control over Kazakhstan's exports to the east and to the south[3]. China, Uzbekistan and Kyrgyzstan have finished modernization of the international Tashkent-Osh-Kashgar vehicle highway, which will allow transportation of goods and recourses to and from Caucasus, Central and South Asia, Asia Pacific waterways[4]. This route opens possibility of transport linkage with Shanghai, Korean port of Pusan, Japanese port of Osaka and other ports in South-East Asia.

The strategic importance of Central Asia for Japan has significantly increased due to permanent instability in the Middle East. Several controversies between Japan and some countries in this region have forced Tokyo to realize the policy of maximal diversification of its energy supplies[5]. In this regard Tokyo intends to strengthen its presence in Central Asia aiming at maintaining more stable energy supplies for its economy.

However the geographical outlined position and undeveloped transport communications in Central Asia coupled with absence of direct access to seas create main barrier for energy resources transportation from the region. In this regard, Japan intends to contribute to overcoming the geographic isolation of Central Asia. Tokyo wants to maintain sustainable and profound cooperation in the spheres of economics, policy and culture between countries situated through the prominent Silk Road[6]. Energy, transcontinental transport system and telecommunications are three fundaments of the 'Great Silk Road' program, which should stimulate the integration of the region to the global transport systems and information communications[7]. Japanese investments must intensify the integration of the region to global goods exchange and maintain access to the energy sources and raw materials in the region[8].

Japan intends to promote peace and stability in the region. It has sup-

[1] См.: Арунова М. Россия и государства Центральной Азии: сотрудничество в сфере безопасности // Центральная Азия и Кавказ.- 2001.- № 2 (14).- С. 48

[2] См.: Грозин А. Новая китайская геополитика // Зеркало.- 1994.- № 6

[3] См.: Мясников В.С. Азиатские государства СНГ в политике Китая и Японии. //В кн.: Россия и страны ближнего зарубежья. Внешнеполитические ориентиры. М. 1997. С. 160.

[4] «Franco-German Relations and the New Geopolitics» // Speech given by Karsten D. Voigt, Coordinator of German-American Cooperation, Federal Foreign Office, at a Franco-German seminar held on 5 July 2002 by the Association Jean Monnet. http://www.auswaertiges-amt.de/www/en/ausgabe_archiv?archiv_id=3388

[5] Abazov R. Security Perception in Central Asia. // Central Eurasian Studies Review. Vol. 1, # 3, Fall 2002. http://cess.iatp.edu.tm/cesr/html/CESR_01_3.html#Abazov

[1] extending 3000 kilometers

[2] Woodrow T. The New Great Game (China). The Jamestown Foundation. 11 February, 2003; http://china.jamestown.org/pubs/view/cwe_003_003_001.htm

[3] Ibid.

[4] См.: Мукимджанова Р. Государства Центральной Азии и Китай: проблемы и перспективы сотрудничества. // Центральная Азия и Кавказ. №4(34), 2004. с.69-70.

[5] См.: Абазов Р. Япония, ислам и Запад: мирное сосуществование или конфликт // Восток.- 1997.- № 1.- С. 165-167

[6] Усубалиев Э.Е. Политика Японии в новых геополитических условиях: центральноазиатский вектор. Япония 2001-2002. Ежегодник. с.122.

[7] Комиссина И.Н. Япония и Центральная Азия: партнерство набирает силу. - «Центральная Азия и Кавказ». 1999. № 2. с.83.

[8] «Мировая экономика и международные отношения» 1999. №4. С.103.

ported the decisive activities of the US-lead international antiterrorist campaign in Afghanistan[1]. During Tokyo conference, Japan assigned a great amount of financial recourses for reconstruction of Afghanistan[2]. It should be specially underlined that Japan is almost the only country interested in immediate opening the region through any possible direction. It is interested in modernization and reconstruction of existing new transport communications and creating new ones.

At the same time, in my opinion, the specificity of Japanese efforts of combating terrorism comprises of its systematic approach to regional problems. The analysis of Japanese conception of fight against terrorism illustrates that liquidation of this threat should exclude geopolitical considerations and it must include realization of socio-economic, humanitarian, political and other prophylactic measures on regional and global levels.

More than a decade of independent developments of Central Asian countries demonstrated strengthening the growing Indian presence in the region. In last five years, India has strengthened its economic and diplomatic links in Persian Gulf and Central Asia and obtained more concessions for extracting oil and gas.

Delhi has continuously demonstrated its support for Central Asian countries' choices of secular way of development opposing the attempts of certain groups to form radical Islamic bloc from Bosporus to Punjab and Kashmir[3]. The gradual growth of transports' interaction between Central Asia and Hindustan as well as strengthening of Indian geopolitical weight combine allow to conclude that Delhi will play its own role in maintaining balance of interests between such countries as Russia, China and the United States.

Pakistan would like to get an access to the energy resources of Central Asia and maintain their transportation to the external markets through Karachi. Its intentions were backed by the fact that Washington preferred construction of Central Asia-Pakistan in place of Central-Asia-Iran transport roads[4]. It is important to mention that US supported activities of Islamabad were not opposed by Beijing, (while China tried to decrease the influence of another US allied Turkey because of its support for Uighur separatism in China)[5]. Moreover Islamabad tried to get dividends of Western support in Central Asia in its geopolitical contradictions against Delhi[6].

Obviously it tried to support ideological expansion of the Muslim-jingoistic groups in Central Asian countries in order to compensate limited financial resources. Considering itself

[1] Стапран Д.А. Внешняя политика Японии – новые приоритеты и традиционные направления. Япония 2001-2002. Ежегодник. – М.: «Макс-Пресс», 2002. –с.14.

[2] $0.5 billion.

[3] T.Shaumian. Foreign Policy Perspectives of the Central Asian States. Post-Soviet Central Asia, L. 1998, p.71.

[4] См.: Москаленко В. Пакистан: курс на Центральную Азию // Восток.- 1996.- № 5.- С. 79-86

[5] См.: Казакова М. Пакистан: геоэкономические интересы в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ.- 2001.- № 5 (17).- С. 144- 158

[6] См.: Мукимджанова Р. Новые ориентиры в Центральной Азии // Азия и Африка сегодня.- 1997.- № 8.- С. 36

as a leader of Central Asia, Islamabad pushed forward the idea of Islamic unification of the region[1]. However, the US-lead coalition's presence in Afghanistan and Central Asia, liquidation of Taliban and fundamental changes in regional and global security environment have completely neutralized the idea of Pax-Pakistanica for Central Asia and forced Islamabad to work out constructive approaches to the region.

Here it is important to mention that ongoing Indo-Pakistani peace process contains 'major positive consequences for the entire Central Asian region'. It will entail 'a serious degradation in the ability of terrorist forces to hide out in Pakistan and Afghanistan and to use those territories with impunity for heir operations'. That will contribute to overcome the most intractable obstacles for regional progress in Central Asia. Therefore their progress will continue to be of vital significance not only to South Asian governments and people, but also to the peoples of Central Asia[2].

In the early 90-s, Turkey has enthusiastically promoted the idea of Pan-Turkic solidarity and unity based on its ethnic familiarity with Azerbaijan and Central Asian peoples[3]. In 1992 Turkey initiated Turkic speaking countries forum, the geopolitical logic of which was creation of a comfortable instrument for promoting Turkish interests and influence in Central Asia and Caucasus, economic expanding the energy resources and other riches of the region[4]. Additionally it meant Ankara's will to replace traditional role played by Russia in the region[5]. This perspective challenged Russian national interests in the region. In the same way, Beijing perceived this idea as a threat for China's national security in the context of Xingjian problem. Moreover, the historic rivalry between Iran and Turkey over influence in the region seemed to be renewed. Where Iran provided an Islamic model, Turkey exemplified a westward-looking and democratic secular nation-state with a liberal market economy[6].

Некоторые в пути заболели и скончались, другие погибли от руки разбойников, в основном кочевников-бедуинов, которые мелкими бандами охотились за богатыми караванами, идущими к портам Средиземноморья. В Иерусалиме нашла вечный покой и Туркан-хатун. Авторы французских мемуаров на основании слова "шахид" - "погибший во имя религии" - считают, что, возможно, и она погибла от рук разбойников. Трудно полностью отвергнуть такую версию. Думается, в "шахиды" ее зачислили в связи с посещением Мекки и пропагандой по пути идей ислама.

Итак, все слова на надгробной надписи нашли свое значение, приобрели жизненную правдивость, и если не полностью, то с большой степенью достоверности отразили таинственную кончину золотоордынской царевны. Остается только уточнить - действительно ли она была дочерью хана Токтая? Думается, нет оснований сомневаться в написанном: "дочъ эмира Токтая".

Когда в Сарае было получено известие о ее смерти, там правил Джанибек, сын Узбекхана, которому покойная приходилась тетей. Поскольку еще был жив и ее муж - Туглук-Тимур, то, видимо, было решено направить в Иерусалим группу строителей и архитекторов для перестройки здания и создания мавзолея, достойного "хатун" самого высокого ранга. Нет ничего удивительного, что сюда были посланы лучшие архитекторы и строители Хорезма. Видимо, они не только перестроили здание, но и создали новый ансамбль в лучших традициях хорезмской архитектуры и строительного мастерства.

Сейчас, когда забыты многие исторические события и лица и когда лишь легенды напоминают "о славе прошлой" и о том, как велик был духовный порыв наших предков, создавших богатейшую в мире цивилизацию, важно не только изучать отдельные предметы или события. Важно создать системную связь в истории, когда отдельные предметы могут дать толчок к расследованию и раскрытию важных страниц исторического процесса. Это - центральная задача, поставленная Президентом страны перед историками республики.

[1] "Узбек эли" некоторыми историками истолковывается как "узбекская народность".

Р.С.Самаров,
ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШУВИНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Мустақиллик ҳаётимизга олиб кирган янгиликлардан бири ўзбек хотин-қизларини қўшин сафига ихтиёрий асосда жалб этиш бўлди. Мазкур масалани муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнида мамлакатимиз бу борадаги чет эл тажрибасини кенг ўрганди ва инобатга олди.

Хотин-қизлар жамият ҳаётида нафақат нафис ва гўзаллиги билан, балки ўзларининг бунёдкорлик фаолиятлари билан ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Бугунги кунда улар қаторида машҳур сиёсатчи ва жамоат арбобларини, турли соҳа олималари ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшиб келаётган ҳарбийларни ҳам кўриш мумкин. Бу ўзига хос феномен бўлиб, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг иштироки сон жиҳатидан эмас, балки хизмати сифати билан ҳам характерланади. Улар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида дунёни ўзгача идрок этиш, ҳар қандай муаммони ижобий, яъни конструктив тарзда ҳал этиш намуналарини кўрсатишмоқда. Ўзбекистон хотин-қизлари ҳам жамият ҳаётининг турли соҳаларига шахдам кириб келмоқдалар.

Бир вақтлар хотин-қизларнинг эмансипациялашуви турли соҳа вакиллари, жумладан, ижтимоиётчиларнинг ҳам ўзаро баҳс ва мунозарасига сабаб бўлди. Ўшанда бир гуруҳ тадқиқотчилар[1] бундай ҳолатнинг ижобий эканлигини кўрсатиб, жамият равнақи ва турли касбий соҳаларда хотин-қизларнинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлашган бўлсалар, бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар бу жараённинг фақат салбий томонларини кўрсатишга ўриниб[2] кўришди ва уни қоралаб чиқишди.

Мазкур масаланинг ижтимоий хусусиятларини аниқлаш мақсадида хотин-қизларнинг Қуролли Кучларга кириб келишини ўрганишга ҳаракат қилинмоқда. Чунки Қуролли Кучлар ҳозирги жамиятнинг таркибий қисми бўлиб, барқарорликни таъминлайди. Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Исроил, Бельгия, Дания, Греция, Россия каби хорижий мамлакатлар армияларидаги феминизациялашув жараёни озми кўпми ўрганилган дейиш мумкин. Бунда ушбу мамлакатларнинг Қуролли Кучларида хотин-қизларнинг иштироки ва улар бажараётган вазифаларининг кўламига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Манбалардан маълум бўлишича[1], феминизациялашган илк армия ватани Буюк Британия Қуролли Кучлари бўлиб, айнан шу мамлакатда, 1653 йилда аскарларнинг рафиқаларидан иборат илк ҳарбий госпиталлар ташкил этилганганлиги маълум. Шундан сўнг бундай ҳолат вақти-вақти билан бошқа мамлакатларда ҳам жорий этила бошланди. Бугунги кунда хотин-қизларнинг армиядаги иштироки фаоллашганлиги билан характерланади. Буюк Британиялик хотин-қизларнинг армия сафида хизматни ўташлари юзасидан илмий изланишлар олиб борган К. М. Бартол, Д. К. Мартин, Р.Д. Эшмор, Ф.К.Дельбока, Н.Х.Булустонларнинг таъкидлашларича[2], 1918 йилга келиб, феминизациялашган ҳарбий тузилмаларни ташкил этиш борасида Буюк Британия Европа қитъасида етакчилик қилган. Маълум бўлишича, Буюк Британия Қуролли Кучларида хотин-қизларнинг иштироки бошқа мамлакатлардан фарқ қилиб, инглиз конунчилигига кўра, ҳарбий хизматчи хотин-қизлар қурол олиб юриш ҳуқуқига эга эмас эдилар, чунки улардан жанговар мутахассисликларда фойдаланиш ман этилган эди. Ушбу мамлакатда хотин-қизларнинг ҳарбий фаолиятини тури қуйидаги хизматлар билан чегараланганди:

- маъмурий йўналишдаги хизмат;
- тиббий йўналишдаги хизмат;
- алоқа йўналишидаги хизмат;
- таъминот йўналишидаги хизмат.

Аммо, З.П.Вашуринанинг кўрсатишича[3], ҳозирги даврда АҚШ Қуролли Кучлари, нисбатан кўпроқ феминизациялашган бўлиб, ундаги ҳарбий хизматчи хотин-қизларнинг шахсий таркиб орасидаги умумий сони 2001 йилнинг бошларида 14 % ни, офицерлар орасида 16 % ни ташкил этган. Улар орасида 12 та генерал ва адмирал аёл хизмат қилади. АҚШ ҳарбий назариётчиларнинг фикрича, хотин-қизлар Қуролли Кучлар шахсий таркибининг ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур мамлакат Қуролли Кучларида бошқа мамлакатларга қараганда феминизация масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини, 1951 йилданоқ "Ҳарбий хизматчи хотин-қизлар ишлари буйича АҚШ Мудофаа Вазирлиги махсус қўмитаси" фаолият

[1] Масалан, Butler J. Contingent Foundations - Feminist Contentions: A Philosophical Exchange. N.Y., L. 1995.

[2]. Политические исследования 2004, № 6. // Фурс В.Н. "Феминистко-социалистическая" критическая теория позднего капитализма Н.Фрэйзера. – С.89-101.

[1]. Шлепов А., В.Пешков Актуален ли на военной службе "дамский вопрос?" // Всеармейский сборник. 2004 № 3.

[2]. Женщины-военнослужащие в иностранных армиях. – М.: Ин-т военной истории МО РФ, 1991.

[3]. Ващурина З.П. Женщина и армия. // Власть. 2001, №4.

кўрсатиб келаётганлиги билан тасдиқлаш мумкин.

Қуролли Кучлар сафида хотин-қизларнинг иштирок этиши масаласида етарлича тажрибага эга бўлиб, бир нечта босқичлардан ўтган давлат Германия Федератив Республикасидир. ГФР Қуролли Кучлари-Бундесвер ўзининг салоҳияти ва тузилиши жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринларга эга бўлиб, унда харбий хизматчи хотин-қизлар сони шахсий таркибнинг 1,3 % ини ташкил этади[1]. Бундесвердаги хотин-қизларнинг ҳарбий хизматдаги иштироки узоқ ўтмишга бориб тақалиб, уларнинг кам қисми бошқаришдаги ёрдамчи ходимлар сифатида, асосий қисми эса алоқачи, тиббий ходим, иш юритувчи сифатида фаолият юритишган. Ушбу ҳолат Германияда 1949 йилда қабул қилинган "Асосий қонун"га мувофиқ хотин-қизларнинг ҳарбий хизматни қурол билан ўташлари ман этилган. Г.Х.Хинденьергнинг таъкидлашича, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германия Конституциясида ушбу банднинг киритилиши хотин-қизлар ҳаёти ва соғлигини ҳимоялашга қаратилганлиги билан асосланади[2]. Германия Федератив Республикаси хотин-қизлари 2000 йилда Европа суд палатасига жинсий жиҳатдан касбий камситиш масаласи юзасидан Бундесверга нисбатан даъво билан мурожаат қилиб, суд жараёнида ютиб чиқишди. Натижада хотин-қизларнинг ҳарбий хизматга интилиши кучайиб, улар қарийб барча ҳарбий ихтисосликларда хизмат қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Хотин-қизларнинг Қуролли Кучларда ҳарбий хизматни ўташи анъанага айланган мамлакатлардан бири Франциядир. Франциядаги ҳарбий хизматнинг ўзига хослиги шундан иборатки, айнан ушбу давлат 1789 йилда Буюк Француз инқилоби даврида, эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлигини эълон қилган дунёда биринчи марта ҳуқуқий ҳужжат-"Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси" эълон қилинган эди. Франция Қуролли Кучлари феминизациялашув жараёни буйича АҚШ, Исроил, Канада ва Россиядан сўнг бешинчи ўринни эгаллаб, унинг сафидаги хотин-қизлар сони 28 минг кишини, яъни, ҳарбий хизматчиларнинг умумий сонидан 9,1 % ташкил этади[3].

Исроилда мазкур масала ўзгача ҳал этилган бўлиб, турмушга чиқмаган хотин-қизлар учун ҳарбий хизмат муддати 24 ойга белгиланган[4]. Шуниси ҳам борки, ҳомиладор ва фарзандли аёллар ҳарбий хизматга жалб этилмайди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган хотин-қизлар резервга, яъни "Миллуим"га ўтказилиб, унда 38 ёшгача, ёки бирин-

[1] Lecpson M. Women in the military// Armed Forces and Society. – 1982. №2.

[2] Герхард Хаазе-Хинденьерг. Женщины в Бундесвере: первый год службы. Шаг в направлении дальнейшей эмансипации.WWW. daad. ru.

[3] Катин В. Женское лицо французской армии. // Независимое военное обозрение, 2000, № 37. - С. 8.,

[4] Женщины-военнослужащие в иностранных армиях. – М.: Ин-т военной истории МО РФ, 1991.

чи фарзандлари туғилгунча ҳисобда туришади. Тадқиқотларда таъкидланишича, хотин-қизларнинг жанговар тайёргарликлари резервдаги муддат давомида ҳам олиб борилиб, ҳар йили оддий аскарлар учун 42 кунлик, офицерлар учун эса 49 кунлик ҳарбий йиғинлар ўтказилади. Баъзи муаллифлар Исроил қўшинларининг жанговар шайлигини мазкур омил билан ҳам белгилаб беришади. Аммо, таъкидлаш лозимки, ҳар хил муддатли йиғинлар резерв институти мавжуд бўлган барча мамлакатларда доимий тарзда ўтказилиб борилади. Бироқ резерв институтининг мавжудлиги бу жанговар шайлик даражасини белгилайдиган омил ҳисобланмайди.

Герхард Хаазе-Хинденьергнинг таъкидлашича, ўн иккита Шимолий Атлантика Иттифоқи (НАТО)га аъзо давлатлар ўз аёларига ёрдамчи ҳарбий қисмларда хизматни ўташлари учун рухсат берганлар[1]. Аммо фақатгина улардан еттитасидагина хотин-қизларга жанговар ҳарбий қисмларда хизматни ўташларига рухсат берилган (бундай ҳолат маълум чегараланишлар билан белгиланган). Бу чегараланиш хотин-қизларнинг қўлига қурол олишларининг тақиқланганлигида, тирик нишонга ўқ отмасликлари каби ҳолатларда намоён бўлган. Аммо Ғарб аёллари[2] буни ўзига хос атайин чегараланишдеб билиб, ўз норозиликларини оммавий тарзда билдирмоқдалар. Улар бу йўналишда ҳеч қандай чекланиш бўлмаслиги тарафдоридир.

Россия Федерацияси Қуролли Кучларида бугунги кунга келиб, 120 минг хотин-қиз ҳарбий хизматни ўтаб келмоқда. Уларнинг 50% дан ортиғи маъмурий, ҳарбий комисссариат, молиявий ташкилотлр, 40% муҳандислик ва техник, 7 % тиббий таркибда, 1,5% тарбиявий тизимда тарбиячи-офицер сифатида фаолият юритишмоқда[3].

Мамлакатимизда ҳам Қуролли Кучлар тизимига хотин-қизларнинг кириб келиши учун 2002 йилнинг 12 декабрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда[4]. Мазкур қонуннинг 7 ва 24 – моддаларига биноан мамлакатимиз хотин-қизлари ҳарбий бирлашмалар, қўшинлар ва қисмларда шартнома асосида оддий аскар, сержант лавозимларида ҳарбий хизматни ўташлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Улар учун ҳарбий хизматни ўташ муддатининг биринчи битими камида 3 йилни ташкил этади, бу эса уларга нисбатан ҳарбий соҳада

[1] Герхард Хаазе-Хинденьерг. Женщины в Бундесвере: первый год службы. Шаг в направлении дальнейшей эмансипации. WWW. daad. ru.

[2] Konferenz zum Tema "Frauenbewegung und Zivilgesellschaft", Berlin, 25. April 2003 u. a.

[3] Гаах Н.А. Социальная самореализация военнослужащих-женщин Вооруженнвх Сил РФ (социально-философский анализ). Автореф. дис... канд. филос... наук. - М.: ВУ, 2001.

[4] "Ўзбекистон Республикасининг умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни, 2002 йилнинг 12 декабри. // "Халқ Сўзи" газетаси, 2002. 13 декабр

ҳам эътиборнинг мавжудлигидан далолат беради. Бугун ўзбек хотин-қизлари Қуролли Кучларнинг саф хизмати, тиббиёт, алоқа, таъминот, мусиқа ва спорт соҳаларида ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб келмоқдалар. Уларнинг сафида шартнома бўйича оддий аскар, сержант, офицер ва катта офицерлар ҳам мавжуддир. Бугунги кунда хотин-қизлар Қуролли Кучлар тизимида мавжуд бўлган ҳарбий-ҳисоб ихтисосликларидан 9% ида фаолият юритиб келмоқдалар. Хотин-қизлар томонидан ҳарбийликни касб сифатида танланишининг ўзига хос сабаблари бор. Бунда, бизнингча, мамлакатнинг геосиёсий жойлашуви, унинг сиёсий стратегияси, аҳоли сони, ижтимоий–иқтисодий сиёсати, ҳарбий сиёсати каби омиллар шулар жумласидандир. Масалан, АҚШ[1] хотин-қизларининг ҳарбий хизматни танлашида қуйидаги сабаблар таъсир кўрсатилганлигини таъкидлаш лозимки, бунда респондентлар жавобининг фоиз ҳисобида кўрсатгичи[2] асос қилиб олинган:

1.Касб ва ихтисосликка эга бўлиш;

2.Моддий таъминот даражаси;

3."Дунёни кўриш" имкониятининг мавжудлиги;

4.Ватанпарварлик туйғулари;

5.Ҳарбий хизмат поғонасида ўсиш имкониятининг мавжудлиги;

6.Ҳарбий анъаналарга ҳурмат.

Ҳарбий хизматчи хотин-қизлар Қуролли Кучлар тизимида алоҳида ўрин эгаллаб[3], мамлакатимиз армияси сафида асосан қуйидаги ҳарбий унвонларда хизмат қилиб келмоқдалар:

· Шартнома бўйича тиббий хизмат йўналишида оддий аскар, сержант ҳамда офицер унвонида;

· Шартнома бўйича алоқа хизмати йўналишида оддий аскар, сержант ва офицер унвонида;

· Шартнома бўйича иш бошқарув хизмати йўналишида оддий аскар, сержант ва офицер унвонида;

· Ҳарбий таълим-тарбия йўналишида олий маълумот ва илмий даражага эга бўлган салоҳиятли мутахассислар офицер унвонида;

· Шартнома бўйича жисмоний тарбия ва спорт йуналишида оддий аскар, сержант унвонида;

· Маданий-оқартув йўналишида оддий аскар, сержант ва офицер унвонида;

[1] Vuono Carl E. Professionalism and the Army of the 1990. // Military Review, 1990. April. - P. 4.

[2] Касб ва ихтисосликка эга бўлиш учун 51%, моддий таъминотда 18%, дунёни "кўриш" шароитининг мавжудлигида 17 %, ватанпарварлик туйғулар асосида 11%, ҳарбий хизмат поғонасида ўсиш имкониятининг мавжудлиги 2%, ҳарбий анъаналарга ҳурмат-1%.

[3] Международное гуманитарное право о защите женщин-военнослужащих.// Войсковой вестник, 2004, № 2. - С. 54-61., Вашурина З.П. Женщина и армия. // Власть, 2001, №4. С.26-32., Бухарова А.С. Социально-философский анализ профессионализации армии: Автореф. .. дис.. канд. филос. наук, - М.; ВУ, 1998. - 20 с., Боевые подруги. – М.: "Воениздат", 1936. - С. 41-64., Женщины-военнослужащие в иностранных армиях. – М.; Ин-т военной истории МО РФ, 1991. - С. 24., Gurney G., Gurney C. Women on March. – New-York: Aberald-Schuman, 1975., Stiehm Judith H. Arms and the Enlisted Women. Temple University Press. Philadelphia 1989.

· Таъминот тизимида оддий аскар, сержант унвонида.

Мазкур кўрсаткич хорижий[1] ва ҳамдўстлик давлатларининг Қуролли Кучларида ўзгача кўринишга эга бўлиб, уни Қуролли Кучларнинг тарихи, таркиби, анъаналари ва орттирилган тажрибалари билан бир қаторда, геосиёсий омил билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Президентимиз-Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли асарида жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёлларнинг фаоллигини ошириш зарурлигини таъкидлаб, "...аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш зарурлиги"ни вазифа сифатида белгилаб берди. Мазкур масала бевосита Қуролли Кучларимизга ҳам тааллуқли бўлиб, унинг сафида хизматни ўтаётган ҳарбий хотин-қизларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳаётларидаги муаммоларни бартараф этиб, барча шароитларни муҳайё этиш кўзда тутилган. Армияга хотин-қизларнинг кириб келиши ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам, "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунда ҳам ҳеч қандай чекланишлар кўрсатилмаган ва Қуролли Кучларимизда улар учун мўлжалланган ихтисосликлар, лавозимлар мавжуддир.

[1] Stiehm Judith H. Arms and the Enlisted Women. Temple University Press. Philadelphia, 1989.

Умуман олганда, армия сафидаги хотин-қизлар хусусида қуйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, жамият ва Қуролли Кучлар тарихида хотин-қизларнинг ҳарбий соҳадаги иштирокига нисбатан бўлган муносабат анъанавийлик ва тарихийлик хусусиятига ҳамда ривожланиш тенденциясига эга;

- иккинчидан, Қуролли Кучларда ҳарбий хизматчи хотин-қизларнинг ўз хизмат вазифаларини самарали бажаришлари натижасида улар учун ҳарбий ихтисосликлар кўлами кенгаймоқда;

- учинчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизлар иштирокининг фаоллашуви каби ҳарбий хизматда ҳам, яъни Ватанни ҳимоя этишда ҳам фаол иштирок этиши кўрсаткичи тобора ўсмоқда.

Чунки Қуролли Кучлар феминизациялашувининг асосий мақсади ҳарбий хизматчиларнинг онги, дунёқараши, ҳаёт тарзи, дунёни идрок этиши ва тушунишини ўзгартиришга қаратилган бўлиб, у ёки бу ҳарбий-сиёсий масалани ҳал этишда инсонийликка амал қилиб иш кўришга даъват этишдан иборат. Бундан нафақат Қуролли Кучларда, балки ижтимоий муносабатларда ҳам маънавий-руҳий муҳитнинг ижобийлашуви таъминланади, ҳарбий хизматчилар орасидаги "командир-бўйсинувчи", "бўйсинувчи-бўйсинувчи", "ҳарбий хизматчи-аҳоли" каби муносабатлар тизимида ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилади. Пировардида, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳам ўзгаради, негаки

Қуролли Кучлар жамиятнинг таркибий қисми бўлиб, ундаги ҳар қандай ўзгариш жамиятда ўз аксини топади.

Бу хусусиятларни инобатга олиб, таъкидлаш ўринлики, профессионал ҳарбий хизматчиларнинг турли гуруҳига салоҳиятли ёшларимизнинг кириб келишини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланиб, юртимиз равнақи ва барқарорлиги йўлида хизмат қилиш фахр эканлигини оммага сингдириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- биринчидан, ҳарбий хизматчи хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеларини ошириш мақсадида "Аёл-Ватан посбони", "Ифтихорим сен Ватан" деб номланган доимий телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, марказий матбуот нашрларида махсус рукн остида уларнинг шахсий ҳаётлари ва касбий фаолиятлари ҳамда қўлга киритган ютуқлари ҳақида мақола ва хабарлар бериб бориш лозим;

-иккинчидан, ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида "Қуролли Кучлар маликаси" йиллик кўрик-танловини барча ҳарбийлаштирилган вазирликлар ва хизматлар билан биргаликда ўтказиш;

- учинчидан, Республика "Оила" илмий-амалий маркази қошида "Ҳарбий оилаларнинг ижтимоий хусусиятлари" мавзуида илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш;

- тўртинчидан, Республика радио ва телевидениясида "ҳарбий хизмат", унда хотин-қизларнинг иштироки ҳақида фильмлар, радио эшиттиришларни намойиш этиш;

- бешинчидан, Ўзбекистон Мудофаа Вазирлиги қошида ҳарбий таълим-тарбия масалаларига бағишланган махсус нашр органини ташкил этиб, унда илмий-услубий ишларни чоп қилиб туриш ва б.

Ўзбекистон хотин-қизларини қуролли кучларга жалб этиш уларни жамиятдаги роли ва ижтимоий фаоллигини кўтаришнинг, Президентимиз И.А.Каримовнинг бу соҳада тегишли кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишнинг самарали йўлларидан биридир.

G.N. Sultonova
O'ZR FA Tarix instituti
kichik ilmiy xodimi

XVI ASR IKKINCHI YARMIDA BUXORO VA QOZOQ XONLIKLARI O'RTASIDAGI SAVDO ALOQALARI TARIXIDAN

XVI asr ikkinchi yarmi Buxoro xonligi tarixida o'ziga xos davr bo'lib, Abdullaxon II (1557-1598-y.) tomonidan Movarounnahr, Xorazm, Xurosonni o'z tarkibiga olgan markazlashgan davlatning barpo qilinishi natijasida xonlikda siyosiy, iqtisodiy barqarorlikning va madaniy yuksalishning yuzaga kelishi bilan xarakterlanadi. Buning natijasida Buxoro xonligining chet el davlatlari bilan o'zaro aloqalari yanada rivojlanib, davlatni siyosiy va iqtisodiy jihatdan markazlashuviga va taraqqiyotiga jiddiy ta'sir ko'rsatgan. Abdullaxon II ayniqsa hududiy xavfsizlik va iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash maqsadida qo'shni davlatlar, jumladan, Qozoq xonligi bilan ham munosabatlarini yaxshilashga alohida e'tibor bergan.

XV asr oxirlarida qozoq sultonlari Jonibek va Kireylar tomonidan Dashti Qipchoq hududining sharqiy tomonida asos solingan Qozoq xonligi taxtiga 1551 yilda Haqnazarxon (1551-1580-y.) o'tirgan. Bugun Qozog'iston tarixchilari uning hukmronlik qilgan davrini Qozog'iston davlatchiligi tarixidagi "Uyg'onish davri" deb atashadi. Chunki bu davrda Qozoq xonligi o'ziga xos ma'muriy boshqaruv tizimiga ega bo'lgan davlat sifatida yanada mustahkamlangan. Garchi qozoq sultonlari o'rtasidagi o'zaro taxt uchun kurashlar xonlik siyosiy va iqtisodiy hayotiga salbiy ta'sir ko'rsatgan bo'lsada, Buxoro xonligi bilan diplomatik aloqalarning kuchayishi, uning qo'shni va chet davlatlar o'rtasida siyosiy mavqei o'sib, mustaqil xonlik sifatida tan olinishiga sabab bo'lgan. Bu vaqtga kelib ba'zi bir yerlaridan mahrum bo'lgan bo'lsa ham, ko'chmanchi turmush tarzini o'zida saqlab qolgan qozoq aholisining muqim bir hududga ega davlati shakllangan.[1]

Buxoro va Qozoq xonliklari o'rtasida olib borilgan diplomatik aloqalar ular o'rtasidagi savdo aloqalarining yanada rivojlanishiga imkon bergan. Chunonchi, Buxoro hukmdori Abdullaxon II va Qozoq xoni Haqnazarxon o'rtasida tuzilgan "qasamiy ittifoq" nafaqat siyosiy, balki,

[1] Mirza Muhammad Haydar. Ta'rix-i Rashidi./ Vved., per. s persidskogo A. Urinbayeva i R.P. Djalilovoy, L.M. Epifanovoy.- T.: Fan. 1996, str. 106; Pishulina K.A. Prisirdarinskiye goroda i ix znacheniye v istorii kazaxskix xanstv v XV-XVII vv. / Kazaxstan v XV- XVIII vekax. (voprosi sotsialno-politicheskoy istorii). Nauka. Kaz.SSR. Alma-Ata. 1969, str. 32; Sultanov T.I. Kochevie plemena Priaralya v XV-XVII vv.- M.: Nauka. 1982. str.113; Ego je. Nekotoriye zamechaniya o nachale kazaxskoy gosudarstvennosti.- Alma-ata.: Izd-vo. AN KazSSR. 1971. Ser. obsh. Nauk. №1, str. 54-57; Abuseitova M.X. Kazaxstan i Sentralnaya Aziya v XV-XVII vv.: Istoriya, politika, diplomatiya. Alma-ata, 2000, str.78-79;

iqtisodiy jihatdan ham ikki davlat uchun muhim ahamiyat kasb etgan. XVI asr ikkinchi yarmi boshlarida Buxoroga tashrif buyurgan ingliz sayyohi Antoni Jenkinsonnning ta'kidlashicha, Buxoro xonligi xazinasi asosan, savdogarlardan olinadigan soliqlar hisobiga to'ldirilgan.[1] Xonlik iqtisodiyotida muhim o'rin tutgan bu savdo-sotiq munosabatlarida esa Qozoq xonligi aholisi bilan olib boriladigan oldi-sotdi aloqalari o'ziga xos o'rin tutgan.

Qozoq xonligi aholisi asosan chorvachilik bilan shug'ullanganligi sababli ular Buxoro xonligi hunarmandchilik va dehqonchilik mahsulotlarining asosiy iste'molchilari bo'lgan. Bu o'rinda XVI asr ikkinchi yarmida Buxoro xonligi tarkibida bo'lgan Turkiston shaharlaridan Yassi, Sig'noq, Sabronlar asosiy markaz vazifasini o'tagan. Ular nafaqat siyosiy-geografik, balki iqtisodiy jihatdan ham muhim strategik ahamiyatga ega bo'lgan.

"Mehmonnomai Buxoro" asari muallifi Fazlulloh ibn Ro'zbexonning guvohlik berishicha; "O'zbeklar yerining shimoliy chegarasidagi va Andijondan Xitoy chegaralarigacha boruvchi savdo yo'lining oxirida bo'lgan bu viloyatdan, Yassiga turli hil tovarlar va qimmatbaho buyumlar olib kelishadi. Va bu yerda savdo bo'ladi, va u [shahar] savdogarlar yuklarini bo'shatib, yuklaydigan (boshqa yuk) va sayohatchilarni mamlakat bo'ylab tarqaladigan joyi bo'lgan".[2] Ayniqsa, ko'chmanchi aholi uchun bu shahar katta ahamiyatga ega bo'lib, ular Yassiga kelib savdo qilishgan. Dashtliklar bozorga qoramollar haydab kelishib, uni o'zlari uchun kerakli mahsulotlarga ayriboshlashgan.[3]

Xuddi Yassi kabi Sig'noq shahri ham o'troq va ko'chmanchi aholi o'rtasida olib boriladigan savdo-sotiqning muhim markazlaridan biri hisoblangan. Fazlulloh Ibn Ruzbexonning so'zlariga qaraganda, qishloq xo'jalik mahsulotlarining bir qismi Sig'noq bozori orqali Dashti Qipchoqqa yetib borgan. Dashti Qipchoqqa eng yaqin yerda joylashgan bu shahar, ular uchun markaziy tranzit yo'li va savdo-sotiq joyi bo'lgan: "Sag'anak (Sig'noq-S.G.) Dashti Qipchoq uchun Volgagacha cho'zilgan hududdagi yagona savdo punkti hisoblangan. Dashti Qipchoqdan mahsulotlar to'g'ridan-to'g'ri shu yerga keltiriladi, o'z navbatida Turkiston, Movarounnahr, Qashg'ar va Xo'tandan ular uchun kerakli mollar ham shu yerga keltiriladi. Hamma vaqt Sig'noq savdogarlarning mol ayriboshlash joyi bo'lib kelgan. Bu yerda butun mamlakatlardan keladigan mahsulotlar har doim yetarli miqdorda topilardi", shuningdek yana muallif "...Sig'noq bozoriga kuniga bu yerda bo'ladigan oldi-sotdi natijasida mahsuloti hech qachon ortib qolmaydigan besh yuz bosh tuyalar [yuki bilan] kirardi", deb ma'lumot berar ekan, Sig'noqni O'rta Osiyoni dashtliklar bilan bog'lovchi, o'z davrining yirik port shaharlaridan biri bo'lganligini ta'kidlaydi.[4]

[1] Djenkinson A. Puteshestviye v Srednyuyu Aziyu.(1558-1560g.g.) / Angliyskiye puteshestvenniki v Moskovskom gosudarstve v XVI v. Per. s ang.Yu. V. Gotye. L., TIP. "Pechatniy dvor", 1937, str.185.

[2] Fazlallax ibn Ruzbi-xan. Mixman-nameyi Buxara./ Per., pred., i prim. R. P. Djalilovoy, pod red. A.K. Arendsa. M., 1976, str. 141; Mukminova R. G. Traditsii vzaimosvyazey po shelkovomu puti pozdnefeodalniy period. // Na sredneaziatskix trassax velikogo shelkogo puti. (Ocherki istorii i kulturi). Uz.R. FA inst. Istorii. Fan. T., 1990, str. 119; Agzamova G. A. Sredneaziatskiye sentri torgovli i puti svyazivayushiye ix s Rossiyey (vt.pol. XVI – per. pol. XIX vv.). T. 1990, dis. na uch. step. kan. ist. nauk. str, 138; Abuseitova M. X. Srednevekovie pismennie istochniki o Velikom shalkovom puti. / Shelkoviy put i Kazaxstan. Alma-ata. 1998, str.153.

[3] Pishulina K. A. Prisirdarinskiye goroda... . str. 19-20.

[4] Fazlallax ibn Ruzbi-xan. ... str. 141; Pishulina K. A. Prisirdarinskiye goroda ... . str. 16. Abuseitova M. X. Srednevekovie pismennie istochniki ... . str.153; Agzamova G. A. Sredneaziatskiye sentri ... . str. 81.

1558-1560 yillarda Buxoroga tashrif buyurgan Jenkinsonning guvohlik berishicha, Buxoro ham bu vaqtda xonlikning siyosiy markaz bo'libgina qolmay, har yili katta karvonlarga ega bo'lgan Xindiston, Eron, Balx va Xitoy kabi turli mamlakat savdogarlari keladigan va ular o'rtasida o'zaro tovar ayriboshlash jarayoni yuz beradigan savdo markazi ham edi.[1] Chunki Buxoro Buyuk ipak yo'lining chorrahasida joylashgan bo'lib, bu yerdan Qozoq xonligi, Hindiston, Afg'oniston, Yorkent xonligi, Xitoy va Rossiyaga boruvchi savdo yo'llari kesishgan. Buxoro o'z mahsulotlarini sotishdan tashqari, o'zga mamlakatlar savdogarlari uchrashadigan va tovar almashtiradigan Abdullaxon II davlatining eng muhim port shahri hisoblangan. Qo'lyozma manbalardagi ma'lumotlar va G. Agzamovaning o'z tadqiqotida ta'kidlashicha, XVI asr ikkinchi yarmida Buxoroning bu sohadagi roli yanada oshgan.[2] Nuqtai nazarimizda bunga shaharning butun Markaziy Osiyoning iqtisodiy va siyosiy markaziga aylanishi, karvon saroylar va yo'llarda sharoitlarning yaxshilanishi, hunarmandchilik ishlab chiqarishining rivojlanishi va, nihoyat, qo'shni Qozoq va Yorkend xonliklari bilan o'zaro aloqalarning yo'lga qo'yilishi sabab bo'lgan. O'rta asrlarda ushbu shahardagi ichki bozorlar faqatgina shahar, tub aholi va qishloqlar aholisigagina emas, balki bu yerga o'zining chorvachilik mahsulotlarini Buxoro hunarmandchilik mahsulotlariga ayriboshlash uchun kelgan ko'chmanchi aholiga ham xizmat qilgan. Xonlikning hunarmandchilik markazlari bo'lgan Buxoro va Samarqandda ishlab chiqarilgan to'qimachilik mahsulotlari ko'plab chet davlatlar qatori Dashti Qipchoq aholisi ehtiyojini ham qondirgan. Buxoro va Qozoq xonliklari aholisining o'zaro aloqalarida Sirdaryobo'yi shaharlari va Buxorodan tashqari Toshkent ham muhim ro'l o'ynagan. Chunki Toshkent Dasht hududi bilan chegaradosh bo'lganligi sababli, ko'chmanchi aholi Toshkent bozorlariga mahsulot xarid qilish yoki o'z mollarini sotish uchun kelgan. Bu ba'zi bir bozorlarning nomlarida ham aks etgan, masalan, «Qozoq bozori» shularning biri hisoblangan. Bu yerda asosan dasht ko'chmanchilarining mollari sotilgan. Bu yerga ular chorva mollari, asosan qo'y, tuya va otlarni haydab kelish bilan birga, chorvachilik mahsulotlaridan kiygiz va boshqa teri, jun mahsulotlarini olib kelishgan. Qozoq xonligi aholisi bilan olib boriladigan o'zaro savdoda Toshkentdan qo'shni hududga qora tariq, darmona, nashatir va mo'ynalar olib ketilgan. Bu haqda Maxmud ibn Vali shunday guvohlik beradi: "Shosh mollaridan, - yozadi muallif, - qora tariq, darmona, nashatir, mo'yna va qullar hisoblanadi".[3] Bundan tashqari, ko'chmanchi xalqning ip-gazlama matolariga bo'lgan ehtiyoji shaharda hunarmandchilikning yanada rivojlanishiga asos bo'lgan. Shuningdek, Toshkentdan qo'shni hududga nafaqat mahalliy, balki tranzit tovarlar ham olib ketilgan. Shaharning Samarqand, Xitoy darvozalari, Sayram yo'li, O'rta Saroy yo'li kabi bozorlar ulgurji va tranzit savdo bozorlari hisoblangan.[4] Toshkent hududida bozordan shaharga olib boruvchi, savdo yo'li vazifasini bajaruvchi sakkizta yirik ko'chalar kesishgan bo'lib, ular Toshkentni qozoq cho'llaridagi va Markaziy Osiyo shaharlaridagi

[1] Djenkinson A. Puteshestviye... . str. 184.

[2] Hofiz Tanish. Abdullanoma. 1-kitob. Sharq. T., 1999, 173-bet; Agzamova G. A. Sredneaziatskiye sentri..., str. 67.

[3] R. G. Mukminova, M. I. Filanovich. Tashkent na perekrestke istorii (ocherki drevney i srednevekovoy istorii goroda). Fan. T., 2001, str. 73-74.

[4] R. G. Mukminova, M. I. Filanovich. Tashkent ... . str. 65-66.

asosiy savdo markazlari bilan bog'lardi. Bu yo'llar toshkentlik savdogarlarni qozoq cho'llari orqali Rossiya chegara rayonlarigacha olib borardi.[1]

Buxoro xonligining Qozoq xonligi aholisini hunarmandchilik, ayniqsa, to'qimachilik sanoati mahsulotlari bilan ta'minlashdagi o'rni yuqori bo'lgan va dasht ko'chmanchilari ijtimoiy-iqtisodiy hayotida hal qiluvchi omil bo'lgan. Fazlulloh Ibn Ro'zbexon o'zining "Mehmonnomai Buxoro" asarida ma'lum qilishicha, Qozoq xonligi aholisining movarounnahrlik hunarmandlar tayyorlagan kiyim-kechaklarga nisbatan ehtiyoji baland bo'lgan. Shu sababdan Samarqandlik tikuvchilar tomonidan tayyorlangan kiyimlar katta miqdorda dasht hududiga olib ketilgan. Asar muallifining so'zlariga qaraganda, movarounnahrliklar tomonidan ishlab chiqarilgan matolar ichida ayniqsa bo'z matosiga talab katta bo'lgan. U bu haqda so'z yuritarkan, ko'chmanchi qozoqlar bu matodan juda ko'p miqdorda foydalanganligini aytib, "..., bu matoni tinchlik bo'lgan vaqtda savdogarlar orqali olib ketishgan. Yirik yer egalarining o'zaro urushlari bo'layotgan va savdo uzilib qolgan vaqtda esa, dashti qipchoqlik sultonlarning harbiy otryad boshliqlari Movarounnahrga hujumlar uyushtirishib, bo'z matolaridan olib ketishgan".[2] Ko'chmanchi aholi o'rtasida bo'zdan tashqari chit, olacha kabi boshqa paxta va ipak matolaridan ham keng foydalanilgan. Garchi ularning sifati dashtliklarga mo'ljallanib dag'alroq to'qilgan bo'lsa ham qozoqlar turmush tarzida ko'p ishlatilgan. To'qimachilik mahsulotlaridan tashqari Buxoro kulolchilik va temirchilik buyumlaridan sopol idishlar, temir qozonlar ham ko'chmanchi aholi kundalik ehtiyojini qondirgan. Dashtliklar yana xonlik aholisining asosiy ozuqasi va transport vositalaridan biri hisoblangan otlar uchun zarur bo'lgan, Buxoroda yasalgan, egar-jabdug' va taqalarning ham doimiy xaridorlari bo'lishgan.[3]

Qozoq xonligi hududidagi tabiiy iqlim sharoiti xonlik aholisiga dehqonchilik mahsulotlarini yetishtirishiga to'sqinlik qilib, asosan chorvachilik bilan shug'ullanishini taqozo etardi. Bu borada Fazlulloh ibn Ro'zbexon va Antoni Jenkinsonlarning asarlarida muhim ma'lumotlarni uchratish mumkin. Bu esa ko'chmanchi aholini o'troq aholi bilan doimiy aloqalarni saqlab qolishga intilishining va ularga tobe bo'lib qolishining asosiy sababi bo'lgan. V.Ya. Basin, P.P. Ivanov va G.A. Agzamovalar ham o'z tadqiqotlarida, qozoqlar buxoroliklardan boshoqli don ekinlaridan bug'doy, jo'xori kabilarni sotib olishganligini ta'kidlashgan.[4] Turkiston shaharlaridan biri hisoblangan Sayramning Abdullaxon II tomonidan o'z davlati tarkibiga kiritilishi dashtliklarning movarounnahrliklar bilan munosabatlarini yanada mustahkamlashga majbur qilgan. Chunki Sayram ham bu vaqtda yirik hunarmanochilik, savdo-sotiq markazi hisoblanib, dehqonchilik madaniyati yaxshi rivojlangan va dashtliklarni dehqonchilik mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojini qondirishda muhim rol o'ynagan.

Ikki xonlik aholisi o'rtasida bo'ladigan savdodan ko'chmanchilar kabi, o'troq xalq ham ko'proq manfaatdor bo'lgan. Chunki Dashti Qipchoq aholisi Buxoro xonligida yetishtirilgan va ishlab chiqarilgan don,

[1] Sokolov Yu. Tashkent, tashkentsi i Rossiya. Toshkent. 1965, str. 47.

[2] Fazlallax ibn Ruzbi-xan. ... . str. 86; Mukminova R. G. Ocherki po istorii remeslo v Samarkande i Buxare v XVI v.- T.: 1976, str. 54

[3] Djenkinson A. Puteshestviye... . str. 184; Mukminova R. G. Ocherki po istorii remeslo... . str. 56.

[4] Basin V.A. Rossiya i Kazaxskiye xanstva v XVI-XVIII vv. (Kazaxstan v sisteme vneshney politiki Rossiyskoy imperii).- Alma-ata.: Nauka. 1971, str. 80. Ivanov P.I. Ocherki po istorii Sredney Azii. ... str. 75; Agzamova G. A. Sredneaziatskiye sentri ... . str. 78-79.

kulolchilik, temirchilik mahsulotlari, zeb-ziynatlar, kiyim-kechaklar va turli xil gazlamalarning iste'molchilari bo'libgina qolmay, chorvachilik mahsulotlari yetkazib beruvchilari bo'lganligini manbalardagi ma'lumotlar tasdiqlaydi. Avval qayd etib o'tganimizdek, ularning asosiy mashg'uloti chorvachilik bo'lganligi sababli, Buxoro xonligiga qo'y junidan va ot, tuya, mol terilaridan tayyorlangan namat, kigiz, xurjun, mesh kabi buyumlar olib kelingan. Qozoqlarda ayniqsa terini qayta ishlash va undan turli narsalar tayyorlash rivojlanganligini turkiyalik sayyoh Sayfi Chalabiy ma'lumotlari tasdiqlaydi. Sayfi Chalabiy o'z safar xotiralarida qayd etishicha, qozoqlar qo'y terisidan chakmonlar tikishib, dasht yerlarida o'sadigan maxsus o'tlardan tayyorlangan bo'yoqlar yordamida uni turli ranglarga bo'yashgan. Mahsulot juda chiroyli va nafis ishlangan bo'lib, xuddi atlasga o'xshab ketardi. Dashtliklar bunday chakmonlarni Buxoroga olib borib atlas qiymatiga teng narxda sotishgan.[1] Buxoro xonligi aholisi ko'chmanchi aholidan tulki va boshqa hayvonlarning mo'ynalarini sotib olish bilan birga, ular o'rta asrlarning asosiy transport vositasi hisoblangan tuya va otlarni yetkazib beruvchilari bo'lishgan.[2] Ular o'rtasida bo'ladigan ikki tomonlama savdodan, bir tomonning tovar sotishdan manfaatdorligi, ikkinchi tomonning kundalik turmush tarziga zarur bo'lgan mahsulotlarga nisbatan ehtiyoji ikki xonlik aholisining o'zaro aloqalari har qanday vaziyatda ham uzluksiz davom etishini talab qilgan. Xatto urushlar vaqtida ham to'xtab qolmagan. Binoiy o'zining "Shayboniynoma" asarida shunday yozgan: "Shayboniyxon va Burunduqxon o'rtasida bo'lgan urushning dastlabki yillarida Buxorodan Turkistonga Arquq orqali tovarlar yuklangan karvonlar qatnardi".[3] Shayboniyxonning qozoqlarga qarshi qilgan uchinchi yurushida qatnashgan Falulloh ibn Ruzbexon o'troq va ko'chmanchi aholi o'rtasidagi savdoda movarounnahrlik savdogarlardan tashqari qozoq savdogarlari ham katta rol o'ynaganligini va ular ham O'rta Osiyo hududlariga qatnab savdo bilan shug'ullanganligini ta'kidlab, "... ularning [qozoqlarning] savdogarlari doimo musulmonlar mamlakatining markazini (Buxoroni- S.G.) ziyorat qilib turishardi", - deya ma'lumot beradi.[4] Hofiz Tanish esa "Abdullanoma" asarida, Abdullaxon va Bobo Sulton tarafdorlari o'rtasidagi bo'lgan jang haqidagi hikoyasida, Abdullaxon II qo'shinlari Sabronda turgan vaqtda, Buxorodan Sabronga g'alla olib kelgan Xoja Kamoluddin Husayn boshchiligidagi savdo karvoni haqida ma'lumot bergan.[5]

Tangashunos olim E. A. Davidovich o'zining olib borgan tadqiqotlari jarayonida uchratgan arxeologik topilmalariga asoslanib aytgan fikriga ko'ra, Turkiston shaharlarida o'troq va ko'chmanchi aholi o'rtasidagi savdo dastlabki vaqtlarda mol ayriboshlash usuli orqali amalga oshirilgan bo'lsa-da, keyinchalik bu jarayon pul vositasida olib borilgan. Olim o'zining bu fikrini Yassidan topilgan zarbxona va Suzoqdagi qazish ishlari vaqtida topilgan XVI asr Buxoro tangalari misolida isbotlagan.[6] Demak, o'sha davr manbalarida va ko'plab tarixchi olimlar tadqiqotlarida ta'kidlanganidek, Buxoro va Qozoq xonligi

[1] Sultonov. Osnovnie voprosi istorii Kazaxskogo naroda v XV-XVII vekax po per., tadji.,turk., istochnikam. /Avtoref. Dis. kan. ist. nauk.- L.: 1971, str. 18;

[2] Sokolov Yu. Tashkent, ... str. 47.

[3] Pishulina K. A. Prisirdarinskiye goroda ... . str. 42.

[4] Fazlallax ibn Ruzbi-xan. Mixman-nama-i Buxara. str. 98

[5] Hofiz Tanish. Abdullanoma.- T., Sharq. 2000. 2-kitob. 85-bet

[6] Davidovich E. A. Numizmaticheskiye zametki (Karaxanidы, Chingizxan, Sheybanidы). // "Izvestiya AN Tadj SSR", №3, 1968, str. 84;

aholisi o'rtasidagi savdo-sotiq aloqalari hamma davrda bo'lganidek XVI asr ikkinchi yarmida ham, garchi bir xil darajada kechmagan bo'lsa-da, ammo uzluksiz davom etgan.

Qozoq xonligi bilan olib borilgan ko'p tomonlama aloqalar Buxoro xonligi uchun hududiy xavfsizlikni, ishlab chiqarishning rivojlanishini ta'minlash bilan birga, Abdullaxon II davlatini G'arb davlatlari bilan olib boradigan tashqi savdo aloqalariga ham katta ta'sir ko'rsatgan. Chunki, Qozoq xonligi hududi Buxoro xonligida ishlab chiqarilgan mahsulotlarning asosiy iste'molchilari bo'lishdan tashqari savdo va elchilik karvonlarini sog'-omon manziliga yetib borishida muhim rol o'ynagan. Buxoro xonligi hududidan yo'l olgan savdo yoki elchilik karvonlari Dashti Qipchoq hududi orqali Rossiya kabi G'arb davlatlariga yetib borgan. Buxorolik, xivalik va samarqandlik savdogarlar Rossiya davlati bilan bo'ladigan savdodan katta foyda ko'rishgan.[1] G'arb davlatlari bilan bo'ladigan savdo aloqalari Buxoro xonligini bir tomondan tashqi eksport salohiyatini oshishiga, natijada ishlab chiqarishni rivojlanishiga yordam bergan. Ikkinchi tomondan esa, bu savdodan katta foyda olgan savdogarlardan olinadigan soliqlar davlatning asosiy daromadi bo'lib, xonlik xazinasini yanada boyishiga sabab bo'lgan. Katta foyda keltiruvchi va xonlik iqtisodiyotida katta o'rin tutuvchi ushbu karvonlarning yo'l xavfsizligini ta'minlash uchun esa, Qozoq xonligi bilan munosabatlarni yaxshilash lozim edi. Chunki yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, Buxoro va Rossiyani bog'lovchi savdo yo'llari aynan Qozoq dashtlari orqali o'tgan.

Garchi XVI asr boshlarida yangi geografik kashfiyotlar natijasida suv yo'llari kashf etilgan bo'lsa-da, oldingi quruqlik yo'llari hali o'z ahamiyatini yo'qotmagandi. XVI asrdan to XVIII asrning 40- yillarigacha karvonlar Buxorodan G'arbga Qozoq dashtlari orqali olib o'tilgan.[2] Bu karvon yo'llari haqida tarixchi olimlar o'z tadqiqotlarida ko'plab ma'lumotlar keltirishgan. Ingliz sayyohi Antoni Jenkinsonning ma'lumotlariga ko'ra, Astraxandan Mang'ishloqqa (hozirgi Qozog'iston hududida joylashgan) Kaspiy dengizi shimoliy-sharqiy qirg'oqlari bo'ylab suzib o'tilgan. XVI asr ikkinchi yarmida yarim orolda Kaspiy dengizi bo'ylab o'tgan asosiy *yo'l orqali shimoliy-sharqiy va janubiy-g'arbiy* tomonlarga, ya'ni Buxoro va Xivaga boruvchi karvon yo'li boshlanadigan to'rtta joy mavjud bo'lgan. Ingliz sayyohining ma'lum qilishicha, ana shu joylardan biri To'pqo'rg'on dengizning shimoliy qirg'og'ida joylashgan. Bu yerdan yiliga ikki marta buxorolik va xivalik savdogarlar yelkanli kemalar orqali Astraxanga suzib o'tishgan.[3] Antoni Jenkinsonning bu ma'lumotlariga asoslanib fikr yuritadigan bo'lsak, demak, Buxoro xonligidan Dashti Qipchoq hududi orqali yiliga kamida ikki marta yirik savdo karvonlari o'tgan. Tobolskdan Markaziy Osiyogacha tutashgan, Qozoq xonligi hududidan o'tuvchi savdo yo'li esa, Irtish daryosi orqali yuqori Irtishga, u yerdan Ulug'tog' yon bag'irlari bo'ylab Sariqsuv va to Turkistongacha, keyin Sirdaryo orqali Buxoroga kirib borgan. 1595 yilda Qozoq xoni o'rdasiga tashrif buyurgan rus elchisi Velyamin Stepanov o'zining podsho Ivan IVga yo'llagan maktubida Qozondan boshlangan savdo yo'li Yoyiq (Ural) daryosi orqali Irgizga, u yerdan qozoq va no'g'oy dashtlari orqali Pegix tog'iga, undan Talos vodiysi bo'ylab Toshkent yoki Samarqandga, keyin Buxoroga yetib boruvchi yo'l to'g'risida gapirib o'tgan.[4]

[1] Ziyaev X. Uzbeki v Sibiri (XVII – XIX vv.).- T.: Fan. 1968, str. 10-11.

[2] Басин В.А. Россия и Казахские ханства в XVI-XVIII вв. (Казахстан в системе внешней политики Российской империи). - Алма-ата.: Наука. 1971, стр. 83.

[3] Djenkinson A. Puteshestviye... . str. 173-174.

[4] Agzamova G. A. Sredneaziatskiye sentri ... . str.127; Abuseitova M. X. Srednevekovie pismennie istochniki ... . str. 153.

O'tkinchi karvonlar savdo yo'lida yashaydigan Qozoq xonligi aholisining ijtimoiy-iqtisodiy hayotida muhim rol o'ynagan. Chunki o'tayotgan savdo karvonlaridan yerlik aholi katta foyda ko'rgan. Birinchidan, ularning ayrimlari bu karvonlarga hujum qilib, ko'plab mollarni qo'lga kiritgan bo'lsa, ayrimlari karvonlar to'xtagan yerlarda o'zlarining chorvachilik maxsulotlarining ehtiyoji uchun kerakli narsalarga almashtirish imkoniyatiga ega bo'lishgan va ko'chmanchilar bilan savdogarlar o'rtasida mol ayriboshlash jarayoni yuz bergan. Bu jarayon ko'chmanchi aholi chorvachilik mahsulotlari ishlab chiqarishini rivojlantirgan. Shu bilan birga, Antoni Jenkinsonning guvohlik berishicha, dashtda qaroqchilik qilib yurgan ba'zi bir ko'chmanchi qabilalar, karvonlarning xavfsizligini ta'minlab, ularni Dashti qipchoq hududidan qo'riqlab o'tkazib qo'yganliklari uchun katta miqdorda mablag' olishgan.[1]

Buxoro va Qozoq xonliklari o'rtasida olib borilgan savdo aloqalari Abdullaxon II davlatining iqtisodiyotini yuksalishiga hissa qo'shish bilan birga, boshqa G'arb davlatlari bilan bo'ladigan iqtisodiy munosabatlarda muhim rol o'ynagan. O'z o'rnida savdo aloqalari o'zaro madaniyat almashinuvini ta'minlagan. Chunki, savdo yo'llari qadimdan turli xalqlarning o'zaro madaniyat almashinuvi jarayonini amalga oshiruvchi vosita bo'lib xizmat qilgan. Bozorlarga karvonlar orqali olib kelingan tovarlar nafaqat iqtisodiy ehtiyojni qondirgan, balki, xalqlarning to'qimachilik, kulolchilik kabi hunarmandchilikning turli ko'rinishlardagi o'ziga xos ishlab chiqarish madaniyatlarini bir-biri bilan uchrashtirgan. Bozorlarda turli davlatlardan kelgan ilm ahillari uchrashgan va o'zaro bilim almashishgan. Shuningdek, olimlar, shoirlar kabi aholining turli xil toifasi savdo karvonlari orqali sayohat qilgan yoki bir mamlakatdan ikkinchi mamlakatga, yashab, ijod qilish uchun yetib borishgan. Bu esa jahon xalqlari madaniyatini uyg'unlashuviga va inson ma'naviyatining nodir mahsuli bo'lgan asarlarni vujudga keltirgan.

Abdullaxon II davlatining Qozoq va Yorkend xonligi bilan olib borgan savdo-diplomatik aloqalari ko'p qirrali, keng qamrovli va o'ziga xos xususiyati bilan ajralib turadi. Ularni o'rganish o'zbek davlatchiligi tarixini to'laqonli ochishga ma'lum ma'noda yordam berish bilan birga, bugungi kunda jahonda o'ziga xos mavqega ega bo'lgan, tashqi aloqalarni yanada rivojlantirishga harakat qilayotgan, Markaziy Osiyo davlatlarining iqtisodiy integratsiyalashuvini amalga oshirish uchun amaliy harakatlar olib borayotgan, qadimgi Buyuk Ipak Yo'li bo'ylab xalqaro TRASSEKA loyihasini amalga oshirayotgan O'zbekistonning siyosiy va iqtisodiy rivojlanishi uchun ham muhimdir.

[1] Djenkinson A. Puteshestviye ... . str. 179;